



Бизнинг суҳбат

ЗАМИН САЙҚАЛИ, САЙЁҲЛАР МАСКАНИ

УНИНГ ТИНЧЛИГИ – БОШ ВАЗИФАМИЗ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг республикамизда тутган ўрни ҳамда нуфузи алоҳида аҳамиятга молик. Вилоятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Файрат ҚОДИРОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

кўчаларда содир этилган жиноятлар 14,2 фоиз, маст ҳолда содир этилганлари эса 23,5 фоизга камайди. Рақамларни яна келтириш мумкин. Лекин ички ишлар ходимларининг хизматини рақамлардан кўра, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларига қараб ҳам баҳолаш лозим, деб ҳисоблайман. Бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Шу ўринда жиноят

Айни кунларда республикамизда давом этаётган «То-залаш – Антитеррор» тадбири хизматимизни яна бир синовдан ўтказиб олишимизда омил бўляпти. Жойларда аниқланаётган қоидабузарлик ва ҳуқуқбузарликлар ходимларимиздан янада ҳушёр хизмат қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Тадбирга жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини

– Файрат Тоирович, йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган жойда ривожланиш, тараққиёт сари дадил ҳаракатлар бўлади. Ўзбекистон буюк келажак сари одимлаётган экан, биз, ички ишлар идоралари ходимларидан доимо ҳушёр бўлиб, ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш талаб этилади. Бу масъулиятли вазифани бажаришда Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳам мавжуд имкониятларни ишга солмоқдалар, изланмоқдалар. Ниятимиз юртимиз осмони мусалло бўлиб, халқимиз тинч, осуда ҳаёт кечириб, улуғ мақсадлар сари боришида уларга ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш.

Вилоят ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самараси, аҳамияти биринчи галда, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларининг камайишига эри-



Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ 3-отряд командири, капитан Алишер Исломов ходимларга йуриқнома бермоқда.

шишда кўринади. Яқинда йилнинг ўтган етти ойлик якунларини муҳокама қилдик. Кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, ходимларимизнинг машаққатли хизматлари зое кетмаётганидан мамнун бўлишга арзийди. Жиноятларнинг барча турлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайган. Жумладан, ўта оғир жиноятлар 16,5 фоиз, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 8,7 фоиз,

қидирув, тергов, профилактика хизматлари билан бир қаторда, эксперт-криминалистика, патруль-пост, йўл-патруль, кинология ва бошқа хизматлар ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигини қайд этиш жоиз. Айтиш мумкинки, соҳавий хизматларда ўз касбининг усталари, энг муҳими, вазифаси, бурчига виждонан ёндашадиган ходимларимиз кўпчилики ташкил этаётгани боис ҳам муносиб ютуқлар қўлга киритилмоқда.

ўзи бошқариш органларининг вакилларини ҳам жалб этганмиз. Улар айрим фуқароларнинг мамлакатимиздаги мавжуд қонун ва қоидаларга риоя этмаётганликларининг гувоҳи бўлишяпти. Яна бир томони тинчлик ва осойишталикни сақлашда ички ишлар идоралари ходимлари билан бир қаторда, кенг жамоатчиликнинг ўрни ҳам катта эканлиги амалда ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми 3-бетда).

МУСТАКИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

МУНОСИБ ҲИССА

Истиқлол эл-юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатишга кенг имкониятлар очиб берди. 7800 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Полохон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Милтиқчи, Оқтепа, Урганжи, Меҳнат-Роҳат ва Янгийўл қишлоқларида осойишталикни таъминлашга масъулман. Ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни сарҳисоб қилганимда фаоллар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз бесамар кетмаётганини ҳис қилдим.

Аввал Қўқон Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини, кейинчалик республика ИИБ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларини битирганман. Уқиш ва ички иш-

лар идораларидаги фаолиятим давомида спортга бўлган иштиёқим ошди. Қўл жанги бўйича спорт устаси, деган номга сазовор бўлдим. Бир неча бор республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, голибликни қўлга киритдим. 2007 йилда эса мамлакатимиз ички ишлар идоралари ўртасида қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринга муносиб топилдим.

Жорий йил бошида ички ишлар бўлими раҳбарлари ташаббусимни қўллаб-қувватлагани боис тумандаги иқтисодиёт коллежи қошида «Омад» клубини очишга муваффақ бўлдик. Бу ерда хизматдан бўш пайтимда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларга қўл жанги усулларида сабоқ бераман. Шогирдларим қўлга киритаётган натижалар чакки эмас.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда жиноятларнинг олди олиниб, ҳуқуқбузарликлар сони камайиб бораёпти. Бунда албатта, вояга етмаганларни спортга жалб этаётганим қўл келмоқда. Мақсадим аҳоли ўртасида профилактика тадбирлар ташкил этиш билан бирга мустақил юртимизга жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаш орақали тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Бахтиёр ХОЛДОРОВ,
Фаргона вилояти Учкўприк тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори, лейтенант.



МИННАТДОРЛИК

ОФАТ ДАФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов номига «Ўзэлектроаппарат – Электрощит» қўшма корхонаси Бош директори В. Роюкдан миннатдорлик мактуби келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Хурматли Баҳодир Аҳмедович!

Жорий йилнинг 31 июлида «Ўзэлектроаппарат – Электрощит» заводи ҳудудидаги цехларнинг бирига қарашли ёрдамчи бинода электр ўтказгичи алангаланиб кетди. Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин хавфсизлиги ходимларининг тезкор ва тўғри ҳаракатлари туфайли офат дастлабки босқичдаёқ даф этилиб, ишлаб чиқариш цехларига ёнғин ўтишига йўл қўйилмади. Натижада корхона тўла қувват билан ишлаб, республикамизнинг барча йирик корхоналаридан олинган буюртмаларни ўз вақтида бажариб, уларга зарур электротехника воситаларини етказиб беришда давом этмоқда.

«Ўзэлектроаппарат – Электрощит» заводининг меҳнат жамоаси Сизга ва ҳаётини хавф остида қолдириб ёнғинни бартараф этган ички ишлар ходимларига чексиз миннатдорлик билдиради».

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Диёримизнинг турфа хил ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган бу ҳушманзара воҳасида минглаб юртдошларимиз истиқомат қилади. Улар тоғли ҳудудда табиат бойликлари, зилол сувларнинг мусаллолигини таъминлаш билан бирга ноёб мевалар, шифобахш ўсимликлар ҳам етиштиришяпти.

– Худуд гўзал табиати, бой ўсимлик дунёси, мўъжизавий тоғу тошлари, тезоқар дарёлари билан ҳар қандай кишини лол қолдиради, – дейди Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник М. Раҳматов. – Шу билан бирга, унинг баландликлар, қир-адирлардан иборат эканлиги, туман маркази анча узоклиги, баъзан ноқулай об-ҳаво шароити хизматдаги ҳар бир ходимдан жисмонан ва руҳан соғлом, сабр-бардошли бўлишни та-

ТОҒЛИ ҲУДУД ОДАМЛАРИ

қозо этади. Филон ва Сарчашма қишлоқлари ҳарорати ҳатто ёз ойларида ҳам 10-15 даража пастлиги билан фарқ қилади. Қишини эса тасаввур эта олмайсиз. Чағир тошли йўللари қалин қор қоплаб, хизмат маромига жиддий тасир ўтказди. Бундай пайтларда ходимларга «УАЗ»

Сафарга отланиб, Ҳисорак сув омбори ёқалаб борар эканмиз подполковник М. Раҳматов айтган сўзларга ишонч ҳосил қилдик. Катта майдонни эгаллаган сув ҳавзасининг қўйилиш қисми ҳали-бери кўринмас эди. У қўллаб сойликлар ора-лаб, худди тоққа тирмашиб кетгандек давом этарди.

– Бу йил баҳор серёғин келиб, дарё сувини тошириб юборди, – дейди ҳамроҳим, тоғли ҳудуд ЖҚБ бўлим бошлиғи, капитан У. Азимов. – Биз яқинлашган қишлоқ Бешбек деб аталади. Яна бироз юрсак Ҳисорак қишлоғига етиб борамиз. Уни тоғли қишлоқларнинг юраги дейишади. Ўтган йили шу ерда Ахборот технологиялари коллежи қуриб битказилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили тоғли қишлоқлар ҳаётида туб бурилиш ясади. Илгари от билан зўрға бориладиган жойларга ҳозирда «УАЗ», «Нива» русумли автомобилларда бемалол бориш мумкин. Бу муаммони ҳал этишда ходимларимизнинг ташаббускорлиги фоят қўл келди.

(Давоми 4-бетда).

ҒОЛИБЛАРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Она-Ватан – хур ва озод диёр. Уни мадҳ этмоқ, у ҳақда жўшиб куйламоқ, тарифу тавсиф этмоқ, тупроғини кўзга суриб таовф қилмоқ ҳам бахт, иқбол, шарафдир. Юртимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб республикамизда эълон қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида иштирок этиб, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини куйлаган ҳар бир юрт фарзанди ўзига хос дилбар кўшиқларни ижро этишди. Кун кеча эса «Туркистон» санъат саройида ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этганларнинг ҳар бири астойдил тайёрланган бўлса-да, ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар ичра ғолиблар сараланиб, уларнинг ижроси баҳолаб борилди. Фахрли биринчи ўринга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ўзининг «Жон Ўзбекистон» кўшиғи учун муносиб кўрилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова томонидан ижро этилган «Фидо бўл» деб номланган



кўшиқ иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. «Ўзбекистон» кўшиғи ижрочиси, наманганлик хоҳанда Малика Эгамбердиевага учинчи ўрин насиб қилди.

Шунингдек, рағбатлантирувчи ўринларга ҳам бир гуруҳ иштирокчилар муносиб топилди. Улар орасида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ инспектори, катта лейтенант Латифжон Ҳасанов ҳам бор. Мукофотлар топширилгач, биз уни суҳбатга тортдик.

– Ушбу кўрик-танловда озод Ватанимиз ва истиқлолимиз мадҳ этилган «Ўзбекистон» кўшиғини ижро этдим. Албатта, катта саҳнага чиқиш анча ҳаяжонли, масъулиятли. Аммо имкон қадар

вазирлигимиз шаънини янада кўтаришга ҳаракат қилдим. Энг асосийси, республика босқичига етиб келганимдан хурсандман, – дейди суҳбатдошимиз. – Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиш бизнинг шарафли бурчимиздир. Уни мадҳ этиш эса янада мароқли. Хур диёримизда ҳамisha байрамлар бўлсин.

Мухташам «Туркистон» санъат саройида таралган дилбар кўшиқларнинг барчасида она-Ватан, жонажон диёримизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат мужассам. Истиқлолимизнинг, озод ва обод юртнинг мадҳи янгради.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Поста» мухбири.

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИБ

Республика ИИБ ЙХББда соҳада узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилиб, турли йилларда раҳбарлик лавозимида хизмат қилган, тизимнинг шаклланишига, такомиллашишига ўзларининг муносиб улушларини қўшган бир гуруҳ ходимларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Бош бошқарма бошлиғи, полковник Азиз Иноятов сўзга чиқиб, нафақага кузатилаётган ходимларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб, улар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда меҳнат фаолиятлари ҳақида гапириб ўтди. Уларнинг инсоний фазилатлари, ёш ходимларга ўрнак бўладиган жиҳатлари ҳам эътироф этилди.

Дарҳақиқат, уларнинг мамлакатимиз равнақи ва йўл-транспорт ходимларининг олдини олиш, жойларда қонун устуворлигини таъминлашга қўшган ҳиссалари бекиёсдир. Чунки, улар яратган мактаб, бой тажриба ёш авлодга дастурамал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Нафақага кузатилаётган Санжар Саттиходжаев, Мақсуд Анёзов, Ислон Умаров, Мансур Содиқовларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

К. КАРИМОВА.

ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТДА

Наманган вилояти тергов ҳибсхонасида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, ўзининг билим, куч-қувватини юрт тинчлиги, осойишталиги йўлига бағишлаган бир гуруҳ ходимлари – подполковник Ш. Алиев, катта сержантлар З. Холмирозев, И. Тўраев, А. Восиев ва М. Отамирзаевни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тергов ҳибсхонаси бошлиғи, майор У. Тошматов нафақага кузатилаётганларни табриклаб, уларнинг шу даргоҳда қилган меҳнатлари ёшлар учун доимо ўрнак бўлиб қолишини, кексалар-

ни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос фазилат эканлигини таъкидлади.

Маросимда фахрийларга тўн, дўппи кийгизилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нафақага кузатилаётган ходимлар номидан подполковник Ш. Алиев сўзга чиқиб, хизмат давомидаги хотираларидан сўзлаб, ёшлар учун ибрат бўларли панд-насихатлар берди ва фахрийлар номидан тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришди.

Зокиржон УСМОНОВ,
сержант.

Наманган вилояти.

ДАВРА СУҲБАТИ

КУН ТАРТИБИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҲУҚУҚИ

Тошкент шаҳрида Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича Женева конвенцияларининг 60 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни Халқаро Қизил Хоч кўмитаси (ХҚХК)нинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик

таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник И. Турғунов ва ЖИЭББ ИХХК ва ЮТБ бошлиғи, подполковник Е. Ланкевич талбирда фаол қатнашишди.

Давра суҳбатида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича Женева конвенцияларининг мил-

лий қонунчиликни такомиллаштиришдаги роли ва аҳамияти муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, «Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи асослари» фан сифатида юртимиз умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларининг ўқув дастуридан ўрин олган. ХҚХКнинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси республикамиздаги тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда инсонпарварлик ҳуқуқига оид турли номдаги 52 минг нусха ўқув дарсли-

ги ва 52 минг нусха ўқув-услугий қўлланмани ишлаб чиқди, нашр эттирди ва бир қанча ўқув муассасаларига тарқатди.

Республика ИИБ билан ҳамкорлик доирасида ХҚХК вакиллари 2001–2007 йиллар мобайнида ИИБ жазони ижро этиш тизимидаги деярли барча муассасаларда бўлишди. Бир сўз билан айтганда, мазкур халқаро ташкилот билан ИИБ ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланмоқда.

Давра суҳбати қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Норали ОЧИЛОВ.

ТАДБИР

Сирдарё вилояти ИИБда республика ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар, тингловчилар ҳамда ўқишни тамомлаб, вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган сержантлар иштирокида учрашув ўтказилди.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Учрашувни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Олимжон Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Тадбирда сўзга чиққан республика ИИБ Академияси масъул ходими, майор Сайфулла Алибеков хулқи ва интизоми билан бошқаларга ўрнак бўлиб, авло баҳоларга ўқиётган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг ташаккурномаларини етказди.

Йиғилишда қатнашган ота-оналар ва номзодлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Номзодларга ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига қабул қилиш тартиби ва уларга яратиладиган шарт-шароитлар ҳақида тушунчалар берилди.

Н. ЙЎЛДОШЕВ,
катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) вилоятдаги минтақавий вакили ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Ж. Раҳмонов очиб, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида судлар, давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа институтларнинг ҳамкорлик масалалари хусусида сўз юритди.

Шунингдек, вилоят ИИБ ИХХК ва

ЮТБ бошлиғи, майор У. Адизовнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Тадбир баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди ҳамда иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
катта сержант.

Навоий вилояти.

Бухоро шаҳар ҳокимлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ўқитиш бўйича семинар ташкил этилди. Унда республика Бош прокуратураси, Тошкент Давлат юридик институти, вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, МХХ вилоят бошқармаси, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари, Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси Н.Қурбонов, республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ўқитувчиси Ж. Раҳмо-

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ РУҲИДА

нов, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ш.Баҳронов, вилоят ИИБ ИХХК ва ЮТБ бошлиғи, подполковник Ҳ. Ҳамроев ва бошқаларнинг маърузаларини тингланди.

Семинар давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, мазкур соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда миллий қонунчиликдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликда қилинадиган ишлар келишиб олинди ва тегишли тавсиялар берилди.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,
Дилшод НАИМОВ.

Бухоро вилояти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Бу фикрингиздан ички ишлар ходимлари билан кенг жамоатчилик, кишлок, маҳалла фуқаролар йиғинлари, умуман фуқаролар ўртасидаги муносабат, ҳамкорлик қандай, деган савол туғилади.

– Саволингизга жавоб беришдан аввал бир мисолни келтириб ўтсам. Самарқанд шаҳридаги тилла буюмлари билан савдо қиладиган дўконга номаълум шахслар бостириб кириб, сотувчиларни ўлдириб, анча миқдордаги олтин безакларни олиб, ғойиб бўлади. Мана шу мудҳиш жиноятнинг очишида бизга жонкуяр фуқаролар катта ёрдам беришди. Жиноятчилар беш кунда қўлга туширилди ва ўғирланган буюмлар дўконга бус-бутун қайтарилди. Айтмоқчиманки, бизнинг хизматга фуқароларимизнинг ёрдами зарур. Уларнинг кўмаklarини доим ҳис этиб туришимиз керак. Шу ўринда биз ҳам фуқароларнинг ишончини оқлашимиз, уларга керакли ёрдам кўрсатишимиз шарт. Халқимизда бир хислат бор. Кимдандир ёрдам сўраса-ю, керакли кўмак олмаса, ундан илоси қайтади, бошқа мурожаат этмайди. Шу боис ҳар бир ходимдан имкони борича фуқароларга ёрдам беришни талаб қиламиз.

Шаҳар туман ИИБларда раҳбарлар белгиланган қабул кунларида фуқаролар билан юзмаюз бўлади. Тўғри ҳар бир раҳбар ўз ваколати доирасида муаммони ҳал этиши мумкин. Бироқ бошқа жойга арз қилинг дейиш қаяқда-ю, зарур маслаҳат бериб кўнглини кўтарган қаяқда.

Ички ишлар ходими фуқароларга қанча яқин бўлса, ҳамкорлиги мустаҳкамланаверади. Ўтказилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳам мана шунда.

– Самарқандда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича ўрнатилган қандай иш услублари, оммалаштириш зарур бўлган ташаббусли ишлар амалга оширилмоқда?

– Самарқанд вилоятини республикамизнинг бошқа вилоятларига, шаҳарларига таққослаш қийин. Чунки асрлар давомида ўзининг маҳобатли, гўзалликда тенги йўқ тарихий обидалари, маданияти, урф-одатлари билан танилган самар-

қандликларнинг ўзига хос фазилатлари борки, бу ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлашда ўзига хос ўрин тутди. Юзга яқин миллат вакиллари истиқомат қиладиган, ҳар куни минглаб хорижий сайёҳлар, зиёратчилар келиб-кетадиган бу шаҳри азимда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш катта куч, тажриба, масъулият талаб этади. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг катта ёрдами билан Самарқанд шаҳрида учта ички ишлар бўлими ва тўртта ички ишлар бўлини масъулиятли ташкил этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки шаҳар катта, бирор-та жиноят содир этилса

киришиб кетиши қийин. Шунинг учун имкони борича ёш ходимларни тажрибали, кўп йиллар хизмат қилган офицер ва сержантларга бириктириб қўйганмиз.

Ички ишлар идораларида ёш ходимлар сони кўпайиб борапти. Бу қувончли, албатта. Бугун хизмат қиладиган тажрибали, кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар, раҳбарлар ўрнини улар эгаллайди. Биз ёшларни пухта тайёрлашимиз лозим. Келгусида улар биздан-да тажрибали, ўз ишини пухта биладиган, вазифасига масъулиятли бўлишлари керак. Бунинг учун улар бир хизматда қотиб қолмасдан ички ишлар хизмати-нинг ҳамма тизимлари-

рилиш юзасидан олиб борилаётган ишларга ҳам қисқача тўхталмоқчиман. Шу йил беш нафар ходимга Самарқанд шаҳридан квартира олиб берилди. Туманларда хизмат қиладиган йигирмага яқин ходимга эса уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш ҳақида жойлардаги туман ҳокимлигига хат билан чиқилди ва масала ижобий ҳал этилди. Кам таъминланган оилаларга ҳам мунтазам моддий ёрдам бериб турилади. Ходимлар уйи, рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, хотиржам хизмат қилаверади.

– **Замин сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳри «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг беш-**

рат қилиб, омон-эсон юртларига қайтиб кетишларини таъминлашимиз керак. Фестиваль кунларида шаҳар аэропорти, темир йўл вокзали, иштирокчилар дам оладиган меҳмонхоналар доимий назоратга олинади. Патруль-пост хизмати ходимларига бошқа хизматлардан ёрдамчилар ҳам жалб этилади. Йўл-патруль хизмати ходимлари шаҳар транспорт ҳаракатини назорат қилиш билан бирга, меҳмонларни аэропортдан олиб келиш, элиб қўйиш, меҳмонхоналарга, тарихий зиёратгоҳ жойларга етказишда автобусларни кузатиб боришади. Биз бу нуфузли тадбирни тинч ва осойишта ўтиб, меҳмон-

лоят ИИБ ҳузуридаги қуриқлаш бошқармаси тўла таъмирланиб, замонавий мебеллар, компьютер ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Кинология хизмати учун ҳам янги бино қуриляпти, яқин ойларида ишга туширишни мўлжаллаяпмиз.

– **Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили жойларда профилактика ишларни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашни тақозо этапти. Шундай эмасми?**

– Албатта, муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан эълон қилинган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида меҳнаткашларимиз томонидан амалга оширилаётган улғувор ишларга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Чунки шу заминдаги қишлоқми, шаҳарми ҳар бир гўша – биз учун муқаддас. Унинг фаровонлиги учун хизмат қилишимиз шарт. Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси билан биргаликда жойларда фуқаролар билан очиқ мулоқот уюштириб тураемиз. Қишлоқлардаги фермерларга банкдан пул олиш, ўғит олиб келиш, техника-технологиялар топиш, сув-газ муаммолари, умуман фуқароларни қийнаётган ва қизиқтирган масалалар юзасидан очиқчасига гаплашиб, имкони борларини ўша жойнинг ўзида ҳал этиб бераемиз.

Қишлоқ осойишталиги унинг фаровонлигини таъминлайди. Етти ойлик яқунларда айнан қишлоқ туманларида жиноятчилик сезиларли даражада камайгани қайд этилди. Бу биринчи галда, жойлардаги профилактика инспекторларнинг сайёҳ-ҳаракатлари натижасидир. Далаларда етиштирилган ҳосилларни йиғиштириб олишдаги иштирокимиздан фермерлар доим миннатдор. Ходимларимиз қишлоқларда ободончилик ишларида ҳам фоал иштирок этишмоқда. Миллиция таянч пункти инфратузилмасини ривожлантиришда айниқса, профилактика инспекторларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Қишлоқларимиз обод ва фаровон бўлиши, фуқароларимизнинг яшаш тарзларини янада яхшилашини демакдир. Тинч-осойишта юртга эса тантанаю байрамлар ярашади.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

Садриддин ШАМСИДИНОВ суҳбатлашди.

Тошкент – Самарқанд – Тошкент.

Бизнинг суҳбат

ЗАМИН САЙҚАЛИ, САЙЁҲЛАР МАСКАШИ

УНИНГ ТИНЧЛИГИ – БОШ ВАЗИФАМИЗ

шаҳар ИИБга хабар келиб, тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунча кўп вақт талаб этади. Яна бир томони фуқаролар ички ишлар бошқармасига етиб келишда ҳам анча овора бўлишарди. Энди фуқаролар ҳамма масалада, жумладан, паспорт хизмати бўйича ўзларига яқин жойлашган ички ишлар бўлими ва бўлинмаларга мурожаат этишяпти.

Ички ишлар идоралари доим жамоатчиликка таяниб иш қўриши керак, деб ҳисоблайман. Бунга шу вилоятда ишлай бошлаганимда яна бир марта амин бўлдим. Фуқаролар билан мустаҳкам алоқада бўлган, уларнинг қувончу ташвишига бирдек шерик бўлаётган профилактика инспектори хизмат қиладиган ҳудудда жиноятчилик содир этилмаган. Сабаби оддий, профилактика инспектори қишлоқ, маҳалла фаоллари билан бир ёқадан бош чиқариб хизмат қиляпти.

– **Ҳамма жойда кадрлар ҳал қилувчи куч ҳисобланади...**

– Саволингизни тундирдим. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш хизмат самардорлиги ошишида муним ўрин тутди. Албатта, ҳар бир жабҳада ўз касбининг устаси, тажрибали ходим ишлагани яхши. Лекин ҳеч бир ходим хизматга тайёр ҳолда келмайди. Гарчи мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлса-да, ишга тезда

ни яхши ўзлаштириб олиши зарур. Ана шуни ҳисобга оляпмиз. Ўтган ҳафтада ИИБ Академиясини тамомлаган, камида уч йил профилактика инспектори бўлиб ишлаётган қирқ нафар йигитдан йигирма нафарини танлаб олиб, жиноят қидирув хизматига ўтказдик. Тўрт ва ундан ортиқ йил хизмат қиладиган олий маълумотли педагог ва ҳуқуқшунос мутахассислигига эга бўлган сафдор ва сержант ходимлар танлаб олиниб, профилактика инспектори лавозимига тайинландилар. Шунингдек, вилоят ички ишлар идораларида бўш бўлган сафдорлик лавозимларини тўлдириш мақсадида номзодлар ўртасида танлов ўтказилиб, жисмоний тайёргарлик ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган, жисмонан чиниққан, билимли, Ватанга содиқ ёшлар ички ишлар соҳасига хизматга қабул қилинди.

Ходимларимизнинг жанговар ва жисмоний тайёргарликлари хусусида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу жиҳатга катта эътибор бераётганимизни бирмабир шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, жисмонан бақувват инсоннинг онги ҳам етук бўлади. Ички ишлар идоралари учун эса айнан ҳар жиҳатдан етук йигит ва қизлар зарур.

Шу ўринда ходимларни ижтимоий ҳимоя



Вилоят ИИБ ЭКБ бўлинма бошлиғи катта лейтенант Турдимурод Ҳайдаров ва катта сержант Илҳом Муқумов иш пайтида.

ги ҳисобланади. Шу оғирнинг охирида ўтказилаётган навбатдаги фестивалга қўриладиган таратқил ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан бошланган, Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказилиши юртимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишда катта аҳамият касб этаётгани боис мазкур мусиқа байрамига алоҳида тайёргарлик қўришни тақозо этади. Фестивалга элликка яқин хорижий давлатлардан меҳмонлар ташриф буюриши кутиляпти. Уларнинг тадбирда иштирок этиб, қадимий шаҳримизнинг меъморий обидаларини зиё-

ларда катта таассурот қолдириши учун барча имкониятларни ишга солаемиз.

– **Ҳадемай юртимизда энг улғу, энг азиз байрам – Мустақилликнинг 18 йиллиги кенг нишонланади. Вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг айёмга тайёргарликлари қандай борапти?**

– Ҳар бир байрам, қутлуг кунларнинг тинч, осойишта ўтиши зиммамизга катта масъулият юклайди. Одатдагидек, байрам олди режасини тузиб олганмиз. Ҳар бир хизмат, қолаверса, ҳар бир ходимнинг вазифаси аниқ белгилаб берилган. Шу ўринда байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида амалга оширилган айрим бунёдкорлик ишларини айтиб ўтиш лозим. Ви-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тоғли қишлоқлар аҳолиси жуда меҳнаткаш бўлади. Бу ерда теп-текис, кенг ва очик майдонни учратмайси. Захматкашлар ёнғоқзор, жийдазор, теракзорлар ораллигида, дарёнинг бурилиш этагида қолган бир парча ерда картошка, помидор парвариш қилиб, тез оқар дарёдан гоҳ тахта, гоҳ пластик қувурларда сув чиқариб, ҳосил ундириш билан банд. Баъзилар харсанг тошлар устига терак ётқизиб, дарёдан ўтиш учун қулай кўприк ясаган. Айрим жойларда эса тез оқар дарё устига қалин симлардан ясалган осма кўприкларни учратасиз.

Биз кириб борган бино илгари хўжалик идораси бўлган экан. Ҳозир эса бу ерда «Ҳисорак» қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда.

– Бу киши қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ж. Муҳаммадиев бўлади, – деди У. Азимов. – Тоғнинг қолган қисмига чиқа олмаган кишилар оқсоқолдан бор маълумотларни олиб, шу ердан ортга қайтиб кетаверишади. – Келинг меҳмон, бу сув

омборининг шамолига ўхшамайди, – деди раис гапни ҳазилдан бошлаб. – Бу атрофнинг одамиям, шамолиям менга азалдан таниш.

Раиснинг хонасида кўп ўтирмадик. Йўлимиз Филон тарафга бўлгани учун ҳам Ж. Муҳаммадиевдан тоғли қишлоқларда яшовчи одамларнинг турмуш тарзи, муштақиллик берган эрк, ерга, мулкка эғалик ҳисси хусусида суҳбатлашиб, йўлга тушдик. Чунки Филон Ҳисор тоғи тизмаси тепасида, биз турган жойдан камида 1,5 минг метр баландликда жойлашган, йўл эса енгил машина учун ноқулай эди. Шу ердан бизга яна бир ҳамроҳ – тоғли ҳудуд Сарчашма ЖҚБ бошлиғи, капитан У. Каримов қўшилди. У йўл-йўлакай ҳудуд аҳолиси билан тўрт йилдан буён ишлаётгани, уларнинг урф-одатлари ёд бўлиб кетганини ҳикоя қилиб бер-



ди. Сўнг хизмат фаолиятига тўхталди:

– Биз хизмат ўтаётган ҳудудда Сурхондарё билан Қашқадарёни битта қир ажратиб туради. Қирнинг нариги тарафида қўшни вилоятнинг Узун ва Сарисийё туманлари ораллигидан ўтувчи Тўпаланг дарёси бор. Булинмамизда тўрт нафар ходим бўлиб, ҳар биримизга алоҳида вазифа белгиланган.

Уни шараф билан бажариш бурчимиз. Бу борада нафақат бўлинмамиз, айрим ҳолларда маҳалла фаоллари, ўрмон хўжалиги ходимлари, жисмонан қақсон йигитларни ҳамкорликка қорлаймиз. Асло йўқ, дейишмайди. Қишлоқда бегона кишиларнинг пайдо бўлиши, гиёҳвандлик воситаларини сотиш, ўтқиш билан шуғулланувчиларни аниқлаш, ноқонуний

курол сақлаш каби ҳолатлар доимий эътиборимизда. Ҳудудимизда катта-кичик 14 та қишлоқ бор. Ушбу гўшаларда юриб одамларнинг муаммоси билан қизиқамиз, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашамиз. Президентимизнинг «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» деган оғоҳликка даъват этувчи сузларини қайта-қайта эслатамиз.

Кўп юриб Филонга кириб келдик. Тан олиш керак, ушбу қишлоқда биринчи марта бўлган киши қандайдир араб мамлакатларининг аҳолиси тифиз яшайдиган эски шаҳарларидан бирига тушиб қолгандек ҳис этади ўзини. Бир-бирига жуда ўхшаш тор кўчаларда ёғочдан қурилган болахонали уйлар тагидан бетон ариқчаларда зилол сув оқиб турибди. Тиниқ сув ёз жазирамасида қўлни музлатади. Бунинг сирини шу ерлик саксон ёшли Ёқуб бободан

сураганимизда тепалиқда қорли чўққилар этагида катта булоқ борлиги, ундан қувур орқали нафақат Филон, яна ўнлаб бошқа қишлоқларга сув олиб борилишини айтди. Филонда ўндан зиёд йирик савдо дўкони, иккита ёғочни қайта ишлаш цехи, ўнлаб темирчилик, тош йўниш, бетон қориш кичик корхоналари ишлаб турибди. Бу ерни бежиз кичик шаҳарча деб аташмайди.

Тоғли халқнинг узоқ умр кўриши ва соғлом ўсишининг асосий сабаби тибетликлар айтганидек, тоза ҳаво, тоза сув, тоза қалб, тоза руҳдир. Асабийлашишни хаёлига келтирмаган инсон танаси ана шундай соғлом бўлади. Ҳам ташки, ҳам ички дунёси тоза бўлган тоғли ҳудуд аҳолиси билан юзлашиб, манзилга қайтар эканмиз, кўнглимиздан бундай инсонлар чехрасидаги самимийлик беғубор фикрлар, умрбоқийлик, осойишталик ва оиладаги хотиржамликдан бўлса не ажаб, деган фикр ўтди.

Абдуқаҳҳор
ЭЛМИРЗАЕВ.

Қашқадарё вилояти.

Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва унинг қўйи тизимларида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирни бошқарма бошлиғи, подполковник М. Равшанов очди.

Йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Х. Шерданов, бошқарма фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник Н. Фуломов, республика ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» РБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ф. Ражабовлар сўзга чиқиб, ички ишлар идораларининг асосий бўғинларидан бири бўлган қўриқлаш хизматида ўз вазифасига содиқ, зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажарётган ходимлар кўпчилигини ташкил этишини таъкидлади. Шу билан бирга, ҳисобот даврида улар томонидан амалга оширилган ижобий ишлар тўғрисида гапириб ўтди. Шундан

ХИСОБОТ ХИЗМАТГА ЯРАША РАҒБАТ

сўнг хизматда ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ходимларга бошқарма раҳбариятининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбахо совгалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида қўриқчи посбонлар томонидан тасарруфдаги тоифаланган иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий уйлар, давлат аҳамиятига молик мас-

канларда кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинди. Фаолият давомида ходимларнинг хизмат интизоми ва қонунчиликка оғишмай риоя этиши, касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги яхшиланиб бораётгани хизмат самарадорлиги ошишида асосий омил бўлмоқда. Қўриқловга олинган иншоотлар, масканларда ташмачилик, жамоа мулкани талон-тарож этилишига йўл қўйилмади.

Ҳисобот йиғилишида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг ўтган даври мобайнида қўриқлаш хизмати томонидан эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, иккинчи ярим йилликдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ф. АБДУРАҲМОҶОВА,
сафдор.

ТАДБИР ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА СЕМИНАР

Тошкент вилояти ИИБ ташаббуси билан «Одам савдосига қарши кураш: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар ўтказилди. Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва шу йўналишда вилоят ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Семинарда иштирок этган «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази, тергов бошқармаси ҳамда ЖК ва ТҚКБ масъ-

ул ходимлари бу борадаги жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталдилар.

Маърузаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан керакли таклифлар ишлаб чиқилиб, келгусида вилоят ИИБ қўйи тизимларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада қучайтиришга келишиб олинди.

Хуршид РЎЗИЕВ.

Тошкент вилояти.

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Хоразм вилояти ҳокимлиги мажлислар залида «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, ички ишлар идоралари ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокими, Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий

идоралараро комиссияси раиси О. Оллабергенов очиб, кўрилаётган масала юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Э. Жўраев одам савдосига қарши курашиш йўналишида Республика идоралараро комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва қўйи комиссиялар йўл қўяётган камчиликлар тўғрисида маъруза қилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари У. Жумагалдиев, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар

кўмитаси бўлим бошлиғи М. Зоҳидова, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг масъул котиби А. Сатторов, вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Ибрагимов ва бошқалар сўзга чиқиб, одам савдосига қарши курашишдаги баъзи муаммолар, бу борада маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни, истиқбол режалари хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Худойберган
ЖАББОРОВ,

«Постада» муҳбири.

Хоразм вилояти.

Шаҳрихонлик Назира ая туман ички ишлар бўлимига мурожаат этиб, хонадонидан уйини ижарага олган Ҳамдам исмли йигитнинг мурдаси ётганлиги тўғрисида хабар берди. Воқеа жойига зудлик билан тезкор гуруҳ етиб борди. Аниқланишча, Ҳамдам тилла тақинчоқлар билан савдо қилган, айна пайтда бўғиб ўлдирилган эди. Калаванинг учи топилгандек эди. Негаки, қотил унинг пулини қўлга киритишни ният қилган бўлиши мумкин. Лекин қотил ким? Воқеа аслида қандай содир бўлган? Ушбу саволларга жавоб топиш учун «Граф» лақабли хизмат итидан фойдаланилди.

«Граф» из олган заҳоти йўлга тушди. Бир пайт нотаниш хонадоннинг остонасида пайдо бўлди-ю, эшикни тирнай бошлади. Ичкаридан чиққан Х. Сайфуддиннинг ранги докадек оқариб кетди. Суриштирув давомида Ҳамдамнинг қотили айнан шу йигит экан-

Тўрт оёқли кўмакчилар

лиги исботланди. Унинг хонадонидан мурдага тегишли бўлган кўп миқдордаги тилла тақинчоқлар ва пулнинг топилгани бунга тасдиқлаб турарди. Бу – «Граф»нинг одатдаги кунларидан бири ҳақидаги лавҳа эди. Унинг қобилиятини шакллантиришда кинолог кичик сержант Жаҳонгир Соттиевнинг хизматлари беқиёс, албатта.

Хизмат итлари хусусида гап кетганда «Линда»га ҳам тўхталиш ўринлидир. У Қўрғонтепа тумани ИИБда парваришланмоқда. Бу хизмат итида гиёҳвандлик моддаларини аниқлаш қобилияти кучли. Биз унинг фаолияти билан танишаётган пайтимизда ҳам бири жиноятни аниқлаб берди. Ушанда «Тико» автомашинаси тўхтатилиб, унинг салони кўздан кечирилаётган эди. «Линда»

машинада оғу борлиги тўғрисида ишора берувчи ҳаракатлар қилиб, кинолог сержант Акмалжон Аҳмаджоновни оғоҳлантирди. Текширув жараёнида эса Қорасув шаҳрида яшовчи С. Султонхўжага тегишли ушбу автомашинида 40 та гугурт қутига жойланган марихуана топилди.

– Йил бошидан буён хизмат итларимиз иштирокида 330 тадан ортиқ жиноят ишлари ўрганилди, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, майор Муҳаммадхон Қодиров. – Шулардан 145 таси айнан уларнинг саъй-ҳаракати билан очилди. 1 кг. 130 грамм гиёҳвандлик моддасининг ушлаб қолинишида ҳам хизмат итларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Кинолог-

ларнинг ҳаракати билан хизмат итлари жиноят изи, портловчи ва гиёҳвандлик моддалари, курол-аслаҳа излаб топиш, шунингдек, бошқа ишларни бажарувчи касб эгасига айланишади. Улардаги иқтидорни шакллантириш борасида барча имкониятлар яратилган. Марҳамат тумани ИИБдаги шароит вилоят ички ишлар идоралари орасида энг намунали деб топилиб, илғор иш услублари тарғиб қилинмоқда.

Бугунги кунда кинология хизмати таркибида 50 та тўрт оёқли кўмакчилар хизмат қилмоқда. Улар нима иш қилиши кераклиги-ю, зиммадаги масъулият ҳиссини яши англайдилар. Шу боис бўлса керак, бирор марта панд беришмаган. Аксинча, жойларда жиноят изларини аниқлаш, гумондорларни фош этиш, жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни таъминлашда ҳиссалари катта бўлмоқда.

Борис КЛЕЙМАН.

Андижон вилояти.

СОҶА ФИДОЙИЛАРИ

ЖАМОАДА ЎЗ ЎРНИ БОР

Осойишта юртимиздаги айёмлар катта шодийналар билан кутиб олинмоқда. Шунингдек, оммавий тадбирлар ёки миллионлар уйини бўлган футбол беллашувлари давомида стадион ичкараси ва ташқарисиди ҳушёр турган ички ишлар ходимларини кўриб, кўнгил таскин топади.

— Ёшим олтимиш саккизда, — дейди Беруний тумани Қиётобод овулида яшовчи Ражапбой ака. — Яқинда невараларим Бердах номидаги мусиқали ва драма театрига олиб боришди. Шунда эшик олдида оғзидан ароқ ҳиди анқиб, шовқин кўтарётган бир йигитни ички ишлар ходимлари олиб кетишадиганини кўрдим. Маълум бўлишича, улар томоша давомида театрда осойишталикни таъминлашар экан. Айниқса, бу вазифага масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони махсус гуруҳ командири, сержант Муҳаммад Якубовнинг муомала маданияти ва ишни ташкиллаштириши менда катта таассурот қолдирди.

У киши тилга олган осойишталик посбони ҳақиқатан ҳам ички ишлар ходимига хос бўлган фазилатлари билан ажралиб туради. Таҳиятош шаҳар



иқтисод ва ишбилармонлик коллежи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларини тугатган Муҳаммад учун олган билимлари қисқа фурсатда ўз иқтидорини намойиш этиб, жамоада ўрнини топишида жуда асқотди. Бу айниқса, хизматга доир меъриёв ҳужжатларни аниқ юритишида яққол намоён бўлмоқда.

— Бирор байрам ёки тадбирни ўтказишга санъаткорлар нечоғли пухта тайёргарлик кўришса, биз ҳам шундай масъулият билан

ёндашамиз, — деди сержант М. Якубов. — Чунки халқимизнинг кўтаринки кайфияти, тинчлиги ва оромини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Хизматимизда ҳушёрлик асосий омил бўлаётгани учун яхши натижалар кўлга киритилаяпти.

Бердах номидаги мусиқали ва драма театри директори Н. Ангсатбаев нафақат жамоа, балки томошабинлар ишончини ҳам оқлаётган ички ишлар ходимларига миннатдорлик изҳор этди. Бундай муваффақиятларда албатта М. Якубовнинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг хизматида устози, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ махсус отряд командири, майор Елубай Ажимовнинг ўрни борлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Шунингдек, бошқа ҳамкасблари ҳам у билан бир сафда хизмат қилаётганидан фахрланишади.

Дурдидой ХУДОЙШУКУРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси.

Суратда: сержант Муҳаммад Якубов хизмат пайтида.

— Ички ишлар идорасида хизматни энди бошлаган дамларим ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди кичик сержант Дилмурод Юлдашев. — Қўқон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси кўнгирок қилиб, Навоий даҳасидаги кўпқаватли уйлاردан бирига боришимизни айтди. Бордик. Тупланиб турган кўни-кўшнларнинг айтишича, юқори қаватдаги хонадонда ёлғиз яшовчи киши анчадан бери кўринмаётган экан. Тирик бўлса ҳам ёрдамга муҳтождир, дейишди.

Кўплашиб эшикни бузиб, ичкарига кирдик. Тахминимиз тўғри чиқди. Чиндан ҳам хонадон соҳиби бандаликни баҳо келтирган, афтидан бунга камида уч-тўрт кун бўлганди. Шу сабабли хонани бадбўй ҳид қоплаб олганди...

Керакли амаллар қилиб бўлинганидан сўнг устозим — истеъфодаги катта сержант Анвар ака Рўзमतов билан жасадни машинага ортишга ёрдамлашдик. — Нима, кўрқиб кетдингми? — деди Анвар ака хиёл кулимсираб. — Бекор қилсан, аслида ўликлардан эмас, айрим тириклардан кўрқиб керак.

Ушанда бироз саросимага тушган йигитча бугунги кунга келиб шахсий таркиб орасида жасур ва фаол ходимга айланди. Фавқуллодда ҳолатларга дуч келганда эҳтиёткорликни унутмайди, аммо кўрқув энди унга ёт. Айтишича, агар ходим танлаган касбини севса, ўз устида ишласа, изланса, интилса, албатта, ниятига етади, имкониятларига ишонч пайдо бўлади.

Бу воқеага ҳам бир неча йил бўлди. Жиноят содир этиб, қидирувда юрган шахс айна пайтда Чархий мавзеида эканлиги ҳақида хабар олинди. Автопатруль сафидаги Дилмурод ҳам ҳамкасблари билан ўша жойга шошилди. Этиб боришса, аҳвол бир

мунча жиддий. Бояги шахс ўзига ўхшаш маст-аласт улфатлари билан ички ишлар ходимларининг қонуний талабларига астойдил қаршилиқ кўрсатишарди. Уртадаги келишмовчилик тобора кучайиб борарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қидирувдаги шахс кўлидаги пичокни сермаб, профилактика инспектори, капитан Улугбек Мирзаюнусовга енгил жароҳат етказди.

Худди ана шу сонияда Дилмуроднинг кўл жанги ҳадисини олганлиги иш берди. Бевоқифа унинг жасуриги ва фаол ҳаракати билан безорилар зарарсизлантирилиб, ИИБга олиб кетилди.

Бу воқеалар вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони ходими, кичик сержант Дилмурод Юлдашевнинг хизмат фаолиятидан лавҳалар, холос.

— Ички ишлар соҳасини танлашимга тоғам сабабчи бўлган, — дейди Дилмурод Юлдашев. — У кишининг унвони катта сержант бўлиб, шу батальонда милиционер-ҳайдовчи эди. Ҳозир нафақада. Ҳанузгача тоғамга ҳавас қиламан.

Дилмуроднинг бу йилги кўрсаткичлари ҳам ёмон эмас. Шу пайтгача унинг саъй-ҳаракати билан ҳуқуқбузарлиги учун 32 нафар, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаганлиги учун 19 нафар шахсга маъмурий баённома тузилган. Шахсан унинг ўзи 27 кишини реабилитация марказига, 10 нафар ўсмирни вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига, дайдиликда гумонланиб ушланган 12 нафар шахсни темир йўл бекати тармоқ ИИБга топширди. Шунингдек, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилишини таъминлаб, кўплаб майда безориликларни ўз вақтида аниқлади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Фарғона вилояти.

Хонобод шаҳрида яшовчи Нигора Сайдиумирова ИИБга мурожаат этиб, ўғли Самандар бедарак йўқолганлигини айтганида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, майор Маъмура Аҳмедова дарҳол сергак тортиди.

— Ўғлингизнинг ёши нечада? — сўради у аёлдан.

— Ўн бешда.

— Ҳали ёш экан. Ўғлингиз йўқолиб қолди ёки уйдан бош олиб чиқиб кетдимми?

Аёл бошини эгганча жим қолди.

— Демак, уйдан бош олиб чиқиб кетган, — тахмин қилди инспектор. — Балки пулингизни ўғирлагандир, шундайми?

— Лекин бу пул билан неча кун яшаши мумкин? — бирдан йиғлаб юборди она.

— Тушунарли.

Бу каби воқеаларга кўп бор дуч келган М. Аҳмедова шу заҳоти ишга киришди. Аёлга нима қилиш кераклигини ўқитди. Ўзи эса тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суриштирув ишларини бошлаб юборди. Ҳаракатлари бесамар кетмади — бир-икки кундан сўнг болани Андижон шаҳридан топди.

13.10 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 Ўзбек наволари
15.00 «АВТОСТОПОМ ПО ГАЛАКТИКЕ» худ. фильм
17.00 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Тунлар муборақ»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «МИССИЯ НЕВЫПОЛНИМА», худ. фильм
00.00 Миксер

«ЎЗНТТ»

06.30 «Улуғимсан, Ватаним!» маърифий дастури
07.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07.50 «Бизнес репорт»
08.00 «Яхши кайфият»

08.30 «Ортикча омад» б/ф
08.50 Болалар мусиқаси
10.00 Болалар соати: «Янги авлод»
11.00 Кутилмаган томоша
11.15 Ҳужжатли фильм
11.35 Худудий телестанциялар лойиҳалари
11.45 «Тарона»
12.15 «Сугдиёна» аёллар курсатуви
12.30 «Денгиз аждаҳоси» т/с
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13.30 «Хижрон» т/с
14.00 «Ёшлар» студияси курсатуви
14.15 Кунгил наволари
14.30 Оилавий экран: «Агар қайнонган баджаҳл бўлса» б/ф
16.00 «Миллион қандай угирланади» б/ф (2-қисм)
17.00 Болалар соати: «Янги авлод»
18.00 «Муштарак манзил» мусликий дастур
18.15 «Ҳақиқий эркалар ови» б/ф
19.30 «Тарона»
20.00 «Денгиз аждаҳоси» т/с
20.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Бизнес-репорт»
21.00 «Хижрон» т/с
21.30 «Сугдиёна» аёллар курсатуви
21.45 «Ёшлар» студияси курсатуви
22.00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
22.30 «Йўқотилган йиллар» т/с
23.00 Кечки кинозал: «Севги фазоси» б/ф
00.30 «ХУДУД» ахборот-таҳлилий дастури

ШАНБА, 22 АВГУСТ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 Миллий кино: «Меҳрибонгинам». 1-қисм.
7.55 «Тонгги наволар»
8.00 «Ахборот»
8.40 «Юввошвойнинг саргузаштлари». В/ф. 1-қисм.
9.30 «Мусика дунёси»
9.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан «Юксалиш одимлари»
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар»
11.00 «Оналар мактаби»
11.20 Т/с «Туташ тақдирлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 «Очун»
13.20 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»
13.55 «Ҳаёт манзаралари»
14.00 «Ахборот»
14.20 «Азизим»
14.50 «Ҳажвия бисотидан»
15.05 «Уйга қайтиш» Б/Ф
16.25 «Минг бир маслаҳат»
16.45 «Уйла, Изла, Топ!»
17.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
17.45 «Рангин дунё»
18.10 «Саломатлик сирлари»
18.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»
19.05 «Минг бир ривоят»
19.10 «Рамазон тухфаси»
19.25 «Олтин мерос»
19.30 «Ахборот». (рус)
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»
20.35 «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивали

ғолиблари концерти.
21.00 «Ахборот»
21.30 ТВ - анонс.
21.35 «КиноТеатр»
21.55 «Тошқин». Б/ф. Премьера. 1-қисм.
00.20 Тунги наволар.
«Uzbekistan»
00.30 «Ёшлар майдони»
01.00 «Ахборот». (рус)
01.35 «КиноТеатр»
01.55 Миллий кино: «Алишер Навоий»
03.30 «Минг бир ривоят»
03.35 «Рамазон тухфаси»
03.55 «Олтин мерос»
04.00 «Ахборот»
04.35 Миллий кино: «Майсаранинг иши». 1-қисм.
05.35 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ёшлар майдони»
7.30 «Чархпалак». Т/с.
8.15 «Ўзбек адабиёти»
8.20 «Сунмас юлдузлар»
8.40 «Ўзбегим матолари»
9.00 «Шерюрак». Т/с.
9.50, 12.50 «UzEX»
9.55 «Тошкент - 2200»
10.00 «ДАВР»
10.10 «Даврнинг боласи»
10.20 «Кувноқ ўрмонча»
10.35 «Астерикс». М/ф.
11.50 «Жаҳон операси»
12.00 «Ҳаёт сўмоқлари»
12.30 «Yoshlar-FM»
12.55 «Истиқлол шукуҳи»
13.00 «ДАВР»
13.10 «Даврнинг боласи»

13.20 «Мультипанорама»
13.30 «Китоб - офтоб»
13.40 «Тонгги шудринг». Т/с.
14.30 «Ёшлар майдони»
15.00 «Камалат йули»
15.40 «Дуторчи қизлар»
15.55 «18 ёшинг муборақ!»
16.00 «ДАВР»
16.10 «Даврнинг боласи»
16.20 «Миллий мультфильм»
16.30 «Эртақлар оламуми»
17.30 «Болалар табассуми»
17.40 «Чемпион»
18.00 «Ўзбек адабиёти»
18.05 «Чархпалак». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри»
19.00 «ДАВР»
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.
20.20 «Айланай...»
20.40 «13-студия»
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Кунгил»
22.00 «ДАВР»
22.30 Жаҳон киноси: «Олтин гул дуоибоди»
00.20 «Тунги парвоз»
00.50 «Юрт тинчилиги»

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой»
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Тошкент - 2200»
9.45 «Интервью»
10.00 «Телекуррьер-маркет»
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 «Пойтахт». (рус)
10.40 «Милагрос». Т/с (рус)
11.10 «Афиша»(рус)
11.20 Ёзги таътил кунларида: «Эркатой»

13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». (рус)
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
16.15 «Кинотакдим»
16.40 «Тошкент - 2200»
16.45 «Дунё ўзбек оператори нигоҳида. Таиланд». Т/ф.
16.55 «Мулоҳаза учун мавзу»
17.30 «Хуқуқшунос маслаҳати»
17.35 «Афиша»
17.45 «Карвонсарой»
17.55 «Телекуррьер-маркет»
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан «Истеъдод»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт»
19.45 «Репортаж»
19.55 «Тошкент - 2200»
20.00 «Пойтахт». (рус)
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ихроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар»
21.00 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.30 «Пойтахт»
21.55 «Телекуррьер-маркет»
22.20 Индийское кино: «Ради тебя». Х/ф. 1-2 серии.

«Sport»

8.00 «Бодрое утро»
8.50 «Тет-а-тет»
9.00 «Хабарлар». (рус)
9.25 «Жасур болалар»
10.00 «Хабарлар»
10.25 «Баркамол авлод»
10.40 «Фоторевю»
11.00 «Военное дело»
11.20 «Файтер». Восточные единоборства.

11.45 «Сокровища Трои». Художественный фильм. 1-кисм.
13.15 «Стать ближе». Ток-шоу.
14.00 Теннис. Қарши. «Челленжер» турнири. Чорак финал.
15.00 Экстремал спорт мусобақаси: «Пахлавлонлар беллашуви»
18.00 «Соғлом оила»
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Футбол. Англия премьер лигаси. «Арсенал» - «Портсмут»
20.50 «Аёл ифори»
21.30 «Хабарлар»
21.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига: «Ўзбек спортинг 18 фасли»
22.15 «РИНГ»
22.45 Теннис. Қарши. «Челленжер» турнири. Чорак финал
23.45 Бокс. Халқаро турнири.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00, 13.30 Ўзбек наволари
11.30 «Миссия невыполнима» худ. фильм
14.30 «Тунлар муборақ» худ. фильм
17.05 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Бизнинг мусиқа»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «МИССИЯ НЕВЫПОЛНИМА-2», худ. фильм
00.00 Миксер

«ЎЗНТТ»
04.00 «Зиё» студияси намойиш этади
04.25, 19.25 «Омад» студияси тақдим этади. «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
05.00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусликий дастур
05.30 Ҳужжатли фильм
06.00 «Асрлар садоси» мусликий дастур
07.30, 14.00 «ХУДУД»
07.50, 18.30 «Сугдиёна» аёллар курсатуви
08.00 Ўзбек мусиқаси
08.20 Худудий телестанциялар лойиҳалари
08.30 «Бизнес репорт»
08.40 «Кутилмаган томоша»
09.00, 17.00 «Янги авлод»
10.00 «Севги фазоси» б/ф
11.20 «Одамлар орасида» токшоу
12.00 Телетеатр
14.30 «Кайнота» б/ф (Ҳиндистон)
17.50 «Оилангиз шифокори»
18.00 «Тарона»
18.45 «Муштарак манзил» мусликий дастур
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади
20.00 «Асрлар садоси» мусликий дастур
20.30 «Дийдор ширин»
21.30 Эcran хандаси
21.45 «Муштарак манзил» мусликий дастур
22.00 Кечки кинозал: «Жоним фидо» б/ф (Ҳиндистон)

ЯКШАНБА, 23 АВГУСТ

«O'zbekiston»

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим»
7.05 Миллий кино: «Меҳрибонгинам». 2-қисм.
7.55 «Тонгги наволар»
8.00 «Ахборот»
8.40 «Бизнинг кутубхона»
8.50 «Юввошвойнинг саргузаштлари». В/ф. 2-қисм.
9.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хикмат бешиги»
10.00 «Саломатлик сирлари»
10.20 «Минг бир хунар»
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Оҳанрабо»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «Кинотакдим»
13.30 Ҳинд киноси: «Боғбон»
«Болалар сайёраси»
16.10 «Урдақчаларнинг саргузаштлари». М/ф.
16.50 «Шарқ тароналари»
17.40 ТВ - анонс.
17.45 «Ҳамон ёдимда...»
18.25 Тошкент - 2200. «Боқий Тошкент»
18.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»
19.05 «Минг бир ривоят»
19.10 «Рамазон тухфаси»
19.25 «Олтин мерос»
19.30 «Таҳлилнома». (рус)
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»
20.35 «Кунгил қўшиқ истайди»
21.00 «Таҳлилнома»
21.40 «Заковат»

22.40 «Тошқин». Б/ф. Премьера. 2-қисм.
00.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan»
00.55 Курсатувлар дастури.
01.00 «Таҳлилнома». (рус)
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Оҳанрабо»
02.55 «Ҳамон ёдимда...»
03.35 «Рамазон тухфаси»
03.55 «Олтин мерос»
04.00 «Таҳлилнома»
04.40 Миллий кино: «Майсаранинг иши». 2-қисм.
05.40 Тошкент - 2200. «Боқий Тошкент»
05.45 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ҳаётбахш наволар»
7.00 Киноклассика: «Келинлар кўзғолони»
9.10 «Ўзбегим»
9.40 «Соғлик - бойлик»
10.00 «Ватанпарвар»
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Ўзбек адабиёти»
11.30 «Афандининг беш хотини». Спектакль.
13.20 «Тошкент таронаси»
13.30 «Камолот хабарлари»
13.40 «Тонгги шудринг». Т/с.
14.30 «Инсон психологияси»
15.00 «Тинчлик учун курашмоқ керак!»
15.30 «Ватан меҳри»
15.40 «Айланай...»
16.00 Киноклассика: «Кавказ асираси»

17.20 «Табассум қил!»
17.50 «Самовий ишк». Т/с.
18.50 «Тошкент мушоираси»
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзгор мактаби»
20.00 «Тараннум»
20.40 «Шарқ гавҳари»
21.20 «Ватан меҳри»
21.30 «KINOMANIYA»
22.00 Ҳинд киноси: «Севинганлар»
1.20 «Юрт тинчилиги»

«Тошкент»

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой»
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Анонс»
9.45 «Репортаж»
9.55 «Тошкент - 2200»
10.00 «Телекуррьер-маркет»
10.20 «Афиша»
10.30 «Пойтахт». (рус)
10.40 «Анонс»
10.45 Ёзги таътил кунларида: «Маугли». М/ф.
12.15 «Саргузаштлар ороли»
12.40 «Тошкент - 2200»
12.45 «Дунё ўзбек оператори нигоҳида. Лондон». Т/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс»
14.05 «Нажот излаб». Ўзбек Давлат миллий драма театрининг спектакли.
15.55 «Телекуррьер-маркет»
16.15 «Карвонсарой»
16.25 «Тошкент - 2200»
16.30 «Тошкентда латифа»

16.35 «Болаликка қайтиб»
16.55 «Мона Лиза табассуми». Б/ф.
18.50 «Телекуррьер-маркет»
19.10 «Нима учун?»
19.50 «Анонс»
19.55 «Кинотакдим»
20.20 «Тошкент оқшомлари»
20.50 «Анонс»
20.55 «Туризм ҳақида». (рус)
21.25 «Кино SMS со звёздами»: «Зеленая миля». «Призрак и тьма»
«Влюбленный Шекспир».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро»
9.00 «Хабарлар». (рус)
9.20 «Кувноқ стартлар»
10.00 «Хабарлар»
10.25 «ГОЛ»
11.25 «АВТОГраф»
11.45 «Сокровища Трои». Художественный фильм. 2-кисм.
13.15 «Аёл ифори»
13.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига: «Ўзбек спортинг 18 фасли»
14.15 Теннис. Қарши. «Челленжер» турнири. Чорак финал.
18.00 «Клоун Кири». Мультфильм.
18.05 Тошкент шахрининг 2200 йиллиги: «Тошкент - спорт шаҳри»
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Вилоят спорти»
19.55 Футбол. Англия премьер лигаси. «Фулхэм» - «Челси»

21.50 «Талқин». Информационно-таҳлилий курсатуви
22.25 «Спорт - менинг ҳаётим»
22.50 Теннис. Қарши. «Челленжер» турнири. Ярим финал.
23.50 «Профринг»
00.50 Бокс. Халқаро турнири.
1.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Миссия невыполнима-2», худ. фильм
13.30 Ўзбек наволари
15.00 «ЧЕРНАЯ ДЫРА», худ. фильм
17.05 Ўзбек наволари
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Кинокуррьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «МИССИЯ НЕВЫПОЛНИМА-3», худ. фильм
00.20 Миксер

«ЎЗНТТ»

04.00 «Зиё» студияси намойиш этади
04.25 «Омад» студияси тақдим этади. «Буни ҳаёт дейдилар» бадиий-маърифий дастур
05.00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусликий дастур
05.30 Ҳужжатли фильм
06.00 «Асрлар садоси» мусликий дастур

07.30 «Маҳаллада дув-дув гап» б/ф
08.50 Худудий телестанциялар лойиҳалари
09.10 Ўзбек мусиқаси
09.35 Эcran хандаси
10.00 Худудий телестанциялар лойиҳалари
10.20 «Муштарак манзил» мусликий дастур
10.45 Ҳужжатли фильм
11.10 Худудий телестанциялар лойиҳалари
11.25 «Сукунат тугёллари»
12.00 Телетеатр
14.00 «

ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

2005 йилнинг 31 декабрида «Уй жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган эди.

Мазкур Қонунда газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёхуд иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш каби ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаб, амалдаги Жиноят кодекси 185²-моддаси билан тўлдирилган ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига ўзгартиш киритилган эди.

Ўтган вақт давомида мазкур норманинг амалиётда қўлланиши республика Бош прокуратураси томонидан таҳлил этилганда, электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузган шах-

ларга нисбатан қатор ҳолларда жавобгарлик муқаррарлиги таъминланмаётганлиги ёки уларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинаётганлиги аниқланган.

Жумладан, Жиноят кодексининг 185²-моддаси 1-қисми диспозициясида газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш учун жавобгарлик ушбу модданинг диспозициясига киритилмаган. Бунинг натижасида амалиётда электр ва иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган шахсларнинг ҳаракатлари ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси), баъзи ҳолларда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси) билан квалификация қилинмоқда. Мазкур ҳолатларда бу қилмишлар объектив томонидан бир-

бирдан жиддий фарқ қилади ва ҳар хил объектларга қарши қаратилган бўлади.

Шунингдек, ЖК 185²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари буйича жиноий

жавобгарлик юзага келадди.

Шахсни ЖК 185²-модданинг биринчи қисми буйича жиноий жавобгарликка тортиш учун унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган бўлиши лозимлиги инobatга олинса, оғирлаштирувчи ҳолатда электр, иссиқлик энергияси, газ ёки водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам худди шу тартибда келиб чиқади. Ўз навбатида, амалиётда бундай тартибга риоя қилинмасдан, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган шахсларнинг ҳаракатлари ҳам ЖК 185²-моддасининг 2 ва 3-қисмлари

буйича квалификация қилинаётган эди.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси 2009

йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонун ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2009 йил 24 июнда бўлиб ўтган ялпи мажлисида депутатлар томонидан қизгин муҳокама этилди. Билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланиб, Қонун сифатида қабул қилинди ва Сенатга маъқуллаш учун юборилди.

Мазкур Қонун билан шахсни 185²-модданинг биринчи қисми диспозициясида кўрсатилаётган ҳаракат учун жиноий жавобгарликка тортиш учун;

– у аввал ушбу ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши; – унинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида етказилган зарар анча миқдордан ошган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 185²-моддасида бошқа қилмишлар қаторида электр ва иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳаракати учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилганлиги муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси диспозициясига ҳам ўзгартиш киритилди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 185²-моддасида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов мазкур ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилиши кўрсатилган. Лекин аксарият ҳолатлар-

да ушбу жиноятларга доир ишлар буйича дастлабки тергов ички ишлар идораларининг терговчилари томонидан олиб борилди. Шу сабабли улар ушбу Қонунни чуқурроқ ўрганишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, амалдаги қонунчилигимизни янада такомиллаштириб, амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал этса, иккинчидан, ушбу жиноят турлари учун жиноий жазо либераллаштирилаётганлигига ҳам эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлади. Юқоридаги ўзгартишлар гайриқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик муқаррарлиги принципнинг амалга оширилишига, бу соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олди олинишига, шунингдек, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Фахриддин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди.

ТАҚДИМОТ

Қонунчилик жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш, уларни рўйхатга олиш ва тизимлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг мақсад ва вазифалари, принциплари, таркибий қисмлари билан биргалликда мукамал ҳуқуқий базани ташкил этади. Шу билан

бир қаторда, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, айниқса, уларни ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш объектив зарурат бўлиб ҳисобланади. Ушбу заруратни инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида тайёрланиб чоп этилди.

Ушбу тўпламга 1989–2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тизимли тарзда киритилган.

Мазкур тўплам олти қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми маълум мезонлар буйи-

ча ажратилган. Тўпламнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси томонидан 1989–2009 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 1989–2009 йиллар мобайнида қабул қилинган амалдаги қонунлари рўйхати


Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни ратификациялаш, уларга қўшилиш ва уларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунлари рўйхати киритилган. Ўзбекистон Республикаси қўшилган (расмий тасдиқланган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг тўртинчи қисмида ўзифодасини топган. МДХ мамлакатларидан ташқари, Ўзбекистон

Республикаси томонидан тузилган икки томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг бешинчи қисмидан ўрин олган. Тўпламнинг олтинчи қисмида эса Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан икки томонлама шартномалари ва бошқа қўшма ҳужжатлари рўйхати киритилган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдала қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

Нуриддин НОРМАТОВ,
юридик фанлар номзоди, доцент.

МУҲИМ ҚўЛЛАНМА



деб номланувчи иккинчи қисмида эса 1989 йилда то 2009 йилга қадар қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган қонунларнинг рўйхати нашр манбаларини, ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кўрсатган ҳолда келтирилган. Тўпламнинг учинчи қисмига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон

ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра, мамлакатимизда 2010 йилнинг 1 январидан эътиборан янги намунадаги, эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган паспорт жорий этилади.

Ушбу фармон талабларини бажариш юзасидан Тошкент вилояти ИИБда кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра бошқарма тегишли хизматларнинг малакали ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, аниқ вазифалар белгиланди. Статистика маълумотларига асосланган ҳолда амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортларини биометрик паспортларга босқичма-босқич алмаштириш буйича тахминий ҳадвал ишлаб чиқилди.

Вилоятнинг Тошкент тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ҳокимликнинг масъул ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирини туман ҳокими О. Нурматов очиб, анжуманинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди. Вилоят ИИБ ИХХҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник А. Абиров ҳамда ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник А. Фуломовлар бу борада ички ишлар идоралари томонидан

амалга оширилаётган ишлар ҳусусида гапирдилар.

– Фармон ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳокимлиги қошида ҳам маҳаллий ҳокимият вакиллари, корхона, ташкилот раҳбарлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган, – дейди

Тошкент тумани ИИБ паспорт бўлини маси бошлиғи, майор Улуғбек Толипов. – Ушбу гуруҳ аъзолари томонидан аҳолига биометрик паспортнинг афзалликлари, паспортларни алмаштириш муддати ва тартиб-қоидалари тушунтирилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, нафақадорлар ва ногиронлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш мақсадида худудлар ўрганиб чиқилиб, паспорт алмаштириш жараёнида уларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Давра суҳбатида иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди. Келгусида бу каби учрашув ва суҳбатларни вилоятнинг бошқа худудларида ҳам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Хуршид РЎЗИЕВ,
лейтенант.

2200 йиллик тарихга эга муаззам Тошкент шаҳри асрлар давомида жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан бирига, Шарк дарвозасига айланди. Даставвал азим шаҳарнинг тарихига бир назар солиб ўтиш жоиз, албатта.

Тарихнинг суронли йилларида шаҳар бир неча бор вайрон бўлиб, яна қайта тикланди. Қадимги ўрнидан силжиб номи ҳам бот-бот ўзгариб турди. Тошкентнинг узоқ ўтмиши ҳамда у қад кўтарган Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги турли маълумотлар ёзма манбаларда хилма-хил узук-юлуқ тарзда акс этган. Масалан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат аҳолиси «турлар деб аталган дейилади.

Бошқа бир манбада эса Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Қанға шаҳар харобасини сак қабиласининг ўша давридаги пойтахти Қанғез шаҳри бўлганлиги, унга эрамиздан аввалги III асрда асос солинган дея қайд этилган. Қанғез шаҳри ҳақида Хитой тарихчиларининг асарларида ҳам маълумотлар учрайди. Улар бу шаҳарни Битян деб аташган. Қадимги форс манбаларида ҳам Сирдарёдан шимолда Зардуштийларнинг муқаддас таоми – хаума тайёрлаб истеъмол қилувчи саклар яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, қадимги Рим ва Юнон тарихчиларининг ёзишича, сак қабилаларининг «Сака – Тиграхауда», яъни «Ўткир учли кигиз қалпоқ кийиб юрвучи саклар» деб аталган гуруҳи ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозғистон ерларида яшашган.

Археологларнинг маълумотларига қараганда эрамиздан аввалги II-I асрларда Шошпепада қадимги шаҳар қурилишидаги белгилар учрайди. Ана шу маълумотларга таянган бўлса, Тошкент шаҳрининг ёши 2200 йилдан кам эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлганлигини бизгача етиб келган ёзма манбалар тасдиқлайди. Тошкент араб халифалиги тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «Ч» ҳарфининг мавжуд эмаслиги боис, араб муаррихларининг асарларида «Шош» деб аталган. Илк ўрта асрларда «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Чочкат», «Мадина аш-Шош» ва «Бинкат» деб номланган. Тошкент ҳақидаги дастлабки маҳаллий маълумотларнинг кўпчилиги IX асрлардан бошлаб араб тарихчиларининг асарларида кўлаб учрайди. Масалан, тарихчи Табарий (IX аср), араб географи Истаҳрий (X аср) асарларида қимматли маълумотлар учрайди. Истаҳрийнинг «Китоб ал-Масолик вал-Мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб») асарида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам «Чоч» ўзининг камон ва ўқ ёйлари билан машҳурлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Шаҳар «Тошкент» номи билан дастлаб Абу Райҳон Беруний (XI аср) ва Маҳмуд Қошғарий (XII аср) асарларида тилга олинади. Айниқса, Берунийнинг «Ҳиндистон» китобида Тошкент атамасининг келиб чиқиши ҳақида шундай таъриф берилади: — «Тош» сўзи асли туркча атам бўлиб, Шош қурилиши олган Тошканд — Тошли қишлоқ демакдир». Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Тошкент атамасига тўхталиб, «... асарларда Тошкент номи, «Шош», баъзан

«Чоч» деб ёзадилар», деб қайд этади. Бироқ XVI аср охири XVII аср бошларида келиб Тошкент топоними кенг қўлланилиб, қадимги Чоч, Шош ва бошқа номлари муомаладан тушиб қолади. XVII асрда яшаган файласуф олим Маҳмуд ибн Валининг маълумотига таянган бўлса «Шош-Сайхун (Сирдарё)нинг у томонида жойлашган шаҳар ва у Туркистон вилоятига киради... Уни Чоч деб атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир».

Илк ўрта асрларда Чочда яшаган йирик ер эгалари ва деҳқонлар паҳса ва йирик хом гиштдан бино қилинган баланд, қалин деворлар билан ўралган қўрғон, қаср ҳамда кўшкларда яшаганлар. Қўрғон, қасрлар истеҳком вазифини ўтовчи мудофаа иншоотлари билан ўралган. Бундай мудофаа иншоотлари «Оқтепа» номи билан юритилган. Чоч шаҳри атрофларида саккизта: Жумладан, Юнусобод, Чигатой, Соғбон, Кўкча ва Чилонзор Оқтепалари ҳозиргача

ният марказларидан бирига айланди.

Тошкент 1579 йилда Бухоро хони Абдуллахон II томонидан босиб олинди. 1597 йилда шаҳарни қозоқ хони Таваккал босиб олди. Лекин кўп ўтмай қозоқ хонининг қўшинлари Имомқулихон томонидан ҳайдаб чиқарилади ва яна Бухоро хонлиги таркибига қўшиб олинади.

XVII-XVIII асрларда Тошкентнинг Россия билан савдо-сотиқ алоқалари бир мунча юксалади. Тошкентлик савдогарлар Сибирнинг бир неча шаҳарларига боришди. 1739 йилда Оренбургдан Тошкентга биринчи рус савдо карвони келади.

XVIII аср ўрталарига келиб Тошкент шаҳри қўлдан-қўлга ўтиб турса-да, шаҳар турт қисмга; Шайхонтохур, Себзор (Қаф-фол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳокимлар бошқаришган. Тошкент тарихида бу даврлар «турт ҳокимлик» даври деб аталган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бутун Турки-

Маърифат дарси

ДУНЁ НАЗДИДАГИ МУАЗЗАМ ШАҲАР

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



сақланиб қолган.

Чоч араблар томонидан 713 йилда забт этилди. Араб тарихчиси Табарийнинг ёзишича, Чоч вилоятининг пойтахти Мадина аш-Шошни эгаллашда йигирма минг кишилик қўшин қатнашди.

Ушбу жангларда вайрон этилган шаҳар, асл ҳолига келмайди. Фақат IX асрга келиб, аввалги ўрнидан 4-5 км шимол-ғарбда, Бўзсув ёқасида янгитдан вужудга келади ва Чочнинг пойтахтига айланиб жадал тараққий эта бошлади. Бу янги шаҳар араб манбааларида «Бинкат» деб тилга олинади.

Бинкат X-XII асрларда Сомонийлар ҳамда Қорахонийлар давлати таркибиде бўлган. Бу даврда шаҳар ҳаёти гуллаб-яшнаган, ҳнармандчилик тараққий этган, савдо-сотиқ ривожланган.

Ана шу даврлардан бошлаб Бинкат шаҳри Тошкент деб атала бошланди.

XIII асрнинг 30-йилларидан, XIV асрнинг 70-йилларигача Тошкент Чигатой улуси таркибиде бўлиб келади.

Муғуллар ҳукмронлиги даврида Тошкент ўз мавқеига кўра Мовароуннахрнинг бошқа йирик шаҳарларидан орқанда турар эди.

XIV асрнинг сўнгги чорагидан XVI асрнинг бошларигача Тошкент шаҳри Амир Темур ва теурийлар давлати таркибиде бўлади. 1410 йилда шаҳар Мирзо Уллубек тасарруфига берилди. Бу даврга келиб Тошкент шаҳрининг ҳудуди олдингисидан бир неча баробар кенгайди. Ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ҳамда мада-

тонда

бўлгани каби Тошкент тарихига ҳам Чор Россиясининг босиб олиши билан боғлиқ воқеалар битилди. Полшо маъмуллари Тошкент аҳолисига нисбатан жабр-зулм ва ҳақсизликни кучайтириб қаттиққўллик билан мустамлакачилик сиёсатини олиб борди.

1917 йилнинг октябрь ойида Петроградда бўлган инқилоб ноябрь ойида Тошкентда ҳам шўро тузумининг қарор топишига олиб келди.

XX асрнинг 30 йилларига келиб, Тошкент Ўрта Осиёнинг энг катта маъмурий, сиёсий, саноат ҳамда маданият марказига айланди. Шаҳарда боғлар, хиёбонлар, сунъий кўллар барпо этилди.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ шаҳардаги маҳаллий саноат корхоналарининг асосий қисми фронт учун зарур кийим-кечак тикишга мослаштирилди. 1942 йилнинг бошларига келиб, Тошкент саноат корхоналарининг қарийб ярми ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент аҳолиси ташаббус кўрсатиб, қисқа муддат ичида Шимолий Тошкент каналини қазиб тугатишди ва бу канал 1942 йил 5 майда ишга тушди. Шаҳарликлар жанг майдонларида ҳам жасорат кўрсатишди. Тошкентликлар уруш йилларида ота-онасидан айрилган ёш гудакларни ўз бағрига олди ва уларга меҳр-шафқат кўрсатди.

1966 йил 26 апрелда бўлган zilzila Тошкент аҳолисини ларзага солди. Шаҳардаги кўпгина саноат корхоналари, маданий-маиший бинолар, мактаблар ҳамда турар жойлар қаттиқ шикастланди. Уч ярим йилда zilzila оқибатлари тугатилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб Тошкент нафақат марказий Осиёдаги, балки шўро давлатининг энг йирик шаҳарларидан бири сифатида тилга олина бошланди. Шу боис, Тошкентда минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ энг йирик учрашув ва йигинлар ўтказиларди.

Тошкент шаҳрини ҳақли равишда тинчлик, дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аташади. Яқин ўтмишга назар солдиган бўлсак, 1958 йилда Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Осиё ва Африка қитъалари ёзувчиларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга асос солинди.

1966 йилда Ҳиндистон билан Покистон президентларининг Тошкент учрашуви бўлди. Учрашувда Тошкент декларацияси қабул қилиниб, икки давлат Покистон ва Ҳиндистон ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

Ўтган асрда Тошкент шаҳрида унинг номини дунёга танитган яна бир йирик анжуман ўтказилди. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг кинофестивалига бир неча марта мезбонлик қилди. Шу билан бирга, дунёдаги ўндан ортиқ йирик шаҳарлар билан биродарлашди.

1989 йилда Тошкент «Халқаро тинчлик йили» тадбирларида фаол иштирок этганлиги муносабати билан БМТнинг «Тинчлик элчиси» фахрий унвонига сазовор бўлади.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилингандан сўнг пойтахтимизда оламшумул ишлар амалга оширилдики, бу унинг жаҳондаги нуфузини янада ортиб боришига хизмат қилмоқда. Биринчи галда шаҳар чиройи гўзаллашиб, замонавий бинолар қад кўтарди. Шу ўринда шўролар даврида ташландик ҳолга келиб қолган, аждоларимиздан мерос бўлган тарихий обидаларнинг таъмирланиши ва уларга қайта ҳаёт бахш этилганини айтиб ўтиш жоиз. Бу обидаларнинг аксарияти масжид ва мадрасалар бўлгани боис шўролар даврида даҳрийлик сиёсати юритилгани сабаб бу бинолар турли хил омбор ва бошқа мақсадларда фойдаланилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат туфайли шаҳримиз кўркига-кўрк кўшиб турган тарихий обидалар тўлиқ таъмирланди, янги масжидлар қурилди.

Пойтахтимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътибори тобора ошиб бораёпти. Азим шаҳарнинг Ислон маданияти пойтахти дея эълон қилиниши юксак эътироф намунаси.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари иш бошлагани боис Тошкентда кўплаб элчихона бинолари қурилди. Жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларнинг машҳур саноат корхоналарининг филиаллари очилди.

Йирик савдо мажмуалари шаҳар кўркига-кўрк бағишлади. Шаҳар кўчаларининг деярли ҳаммаси жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирланди.

Хулоса қилиб айтганда, бундан ўн беш-йигирма йил аввал Тошкентга келган меҳмон бугун шаҳри азимдаги ўзгаришлар, янги иншоотларни кўриб лол қолиши тайин. Чунки пойтахтимиз бугунги кунда жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан қолишмайдиган муаззам шаҳарга айланган.

Ибодулло ҚҮНФИРОВ,
тарих фанлари номзоди.

МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК ҚЎРҒОНТЕПАЛИКЛАР

Пойтахтнинг кенг ва равон йўлларида қолишмай-диган, ойнадек текис, икки четида сервикор дарахтлар, ям-яшил арчалар, арчалар пойида эса чамандек очилиб ётган турфа ранг гуллар...

Андижон вилоятининг гўзал манзаралари, қайнаётган ҳаёт – қурилишлари гоҳ четларида бодроқдек очилган пахталар мўралаб турган пахтазорлар, гоҳ ишқомлари ларзон узумзорлари расамади билан экилган ниҳоллар оралаб куймаланиб юрган соҳибкорлар, эгат оралаб, ёқутдек қип-қизил памидорларини териб, қутиларга жойлаётган қиз-жувонларга маҳлиё бўлганимизча тобора илдамлаб борар эканмиз ҳамроҳимиз, вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими катта инспектори, катта лейтенант С. Якубов:

– Эътибор бераясизми, кўчада бекор юрган ёки соя-салқинда чойхўрлик қилиб ўтирган одам йўқ. Ҳамма ҳаракатда, меҳнатда. Шу туфайли нафақат вилоятимиз, балки республикамиз ҳам кундан-кун гуллаб-яшнаб бормоқда, – деди.

Гап билан бўлиб, азим арчалар соясидаги шинамгина бино – вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Қўрғонтепа тумани ИИБга етиб келганимизни билмай қолдик. Туман ИИБ бошлиғи, подполковник Шукрулло Саидовнинг хонасида кирганимизда у нималарнидир куйиб-пишиб гапирётган икки аёлнинг гапларига диққат билан қулоқ тутиб ўтирдик. У бизни хушнудлик билан кутиб олди.

– Айни вақтида келибсизлар, – деди бошлиқ мақсадимизни билгач. – «Савай» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбархон опа Аҳмедова ва Р. Бобохонов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зухра опа Раҳматуллаева билан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонли-

ги йилида бажарилаётган ишлар, ҳудудда тинчлик, осойишталикни сақлашда ички ишлар ходимлари ҳамда фаоллар ҳамкорлигини муҳокама қилаётган эдик.

– Қишлоғимизда ўн тўққиз ярим минг нафарга яқин аҳоли яшайди, – деди Дилбархон опа Аҳмедова. – Саккизта маҳалла бор. Ушбу гушалардаги ўзбек ва кўшни қирғизлар аҳил, тинч яшашади, қуданда бўлиб кетишган. Саккизтадан мактаб ва болалар боғчаларида ҳам болаларимиз бирга таълим-тарбия олишади. Аҳоли тинч-тотув. Сабаби – қишлоғимизда бекорчи одам йўқ. Ўттиз нафар касаначимиз бор. Туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида касб-хунар коллежларини битирган 245 нафар ёш йигит-қиз ўзлари танлаган касб-хунар бўйича ишга жойлашди. Иш жойларида уларга иш ўргатувчи мураббийлар бириктирилган.

Қишлоғимизда уч юзга яқин фермер хўжаликлари, наслчилик бўйича Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси ишлаб турибди. Бу – ишлашни хоҳлаганга иш тайёр дегани. Ҳамқишлоқларимиз эса меҳнаткаш, ишга ўрганган. «Андижонни кўркам, обод вилоятга айлантирайлик!» номли вилоят кўриктанловидида қишлоқ фуқаролар йиғини намунали фаолияти учун 1-ўринни олиб, рангли телевизор билан тақдирланди.

– Қишлоқда тинчлик, осойишталик ва жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигига эришиш борасида профилактика катта инспекторлари, майор Ш. Ибрагимов, капитан А. Абдужалилов, профилакти-

ка инспекторлари, лейтенантлар М. Қорабоев, И. Насриддиновлар муайян ишларни амалга оширишди, – суҳбатга қўшилди подполковник Ш. Саидов. – Чегара ҳудудларда жойлашган қишлоқларда турғун жамоатчилик қузатув масканлари қурилиши бошланди. «Савай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мустақиллик, Р. Бобохонов номли маҳаллаларда шундай масканлар ишга туширилган. Бу жойларда ҳар куни икки нафардан навбатчи фаолият юритиб, бегона шахслар ва автомобилларни рўйхатга олади, улар кимнинг хонадонига, нима мақсадда келганини суриштиради. Барча маълумотлар профилактика инспекторлари томонидан ўрганилиб, туман ИИБга топширилади. Қишлоқдаги бирорта ҳолат профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ҳамда фаоллар эътиборидан четда қолмайди.

Фуқароларнинг осойишталиги, хавфсизлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашда маҳалла посбонларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳарбий хизматдан қайтгач, келгусида ҳаётини ички ишлар идораларида хизмат қилишга бағишламоқчи бўлган Т. Азизов, К. Турғунов, Ҳ. Собиров, Э. Қодиров, Ш. Шерғозиевлар ўзларига бириктирилган кўчаларнинг нафақат саришталиги, балки фуқаролар осойишталигига ҳам масъулдир.

Яқин кунларда мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи шод-хуррамлик билан нишонланади. Ишонаманки, камтарин, ҳалол-пок, мақсадлари муштарак қўрғонтепалликлар ҳам бу айёмни самарали меҳнат, Ватанимиз тинчлиги-осойишталиги йўлида беиннат хизматлари билан кутиб оладилар.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Гумондорнинг кўрсатма беришича, у ўша куни янги сотиб олган «Тико» русумли автомашинасида ўз юмуши билан Фаргона шаҳрига йўл олганди. Қапчугай қишлоғига яқинлашиб қолганида тахминан юз метрлар олдинда бир гуруҳ қизлар йўлни кесиб, югуриб ўтишганини кўрди. Шу онда қарама-қарши томондан иккита «Нексия» автомобили кетма-кет елиб келди.

БЕЛГИЛАР БЕПИСАНДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Орқадаги кулранг «Нексия» ёнидан ўтиб кетди-ю тахминан 19-20 ёшлардаги қиз ҳам дугоналарининг ортидан чопқиллади. Гумондор фалокат олдини олиш учун шошиб тормозни босди ва айни пайтда рулни ўнг томонга буриб юборди. Бу билан фалокатнинг олдини олишга улгурмади. Оралиқ масофа атиги уч метр бўлгани учун бояги қиз «Тико»нинг олдинги чап қанотига зарб билан урилди.

– Ўша лаҳзада машинанинг чап пешойнаси ёрилиб, чизилганлиги боис, воқеанинг давомини аниқ билолмай қолдим, – дейди гумондор кўрсатмасини давом эттириб. – Дарҳол машинани тўхтатиб, пастга тушдим.

Мусибатни қарангки, жабрланувчи мувозанатини йўқотиб орқага йиқилганда, бояги «Нексия»лар ортидан келаётган «ВАЗ-21011» русумли автомашинага дуч келган ва унинг гилдраклари остида қолганди. Уни зудлик билан шифохонага олиб боришди. Аммо барча саъй-ҳаракатлар зое кетди. Ўз вақтида кўрсатилган шошилиш тиббий муолажалар ҳам наф бермай, Олтиариқ туманида яшовчи Ўғиллой Холжўжаева бу ёруғ оламдан кўз юмди.

Табиийки, шу туманда истикомат қилаётган У. Элдорбекнинг оромини йўқолди. Унга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Таъжидламасликка илож йўқ, ҳайдовчи бундай бўлишини мутлақо истамаган ва ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Қолаверса, унинг ўша куни спиртли ичимлик истеъмол қилмаганлиги ҳамда ҳеч қандай руҳий ҳаяжон остида бўлмаганли-

ги, демакки, транспорт воситасини моҳирлик билан бошқара олиш имкониятига тўла-тўқис эга бўлганлигига ишонч ҳосил қилинди.

Аммо нима бўлганда ҳам бу рўй берган воқеада ҳайдовчининг айби йўқ, дегани ҳам эмас. Маълум бўлишича, Элдорбек онасининг номига расмийлаштирилган «Тико»ни ишонч қоғозисиз ва ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ҳолда бошқарган экан. Олдин содир этган қоидабузарлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси ЙПХ ходимлари томонидан олиб қўйилганлиги боис сўралганда фақат унинг талонини тақдим этди, холос. Ваҳоланки, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.1-бандида машина бошқараётган ҳар бир шахс ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгаллик ҳуқуқини берувчи, тасарруфга ёки фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёнида олиб юриши шартлиги баён этилган.

Фалокат содир этилган йўлда – Қапчугай қишлоғига кираверишда транспорт воситаси тезлигини соатига 50 километрдан оширмаслик кераклигини англаувчи белги қўйилган бўлиб, Элдорбек бунга ҳам беписандлик билан қараган. Агар белгига риоя қилганида, оралиқ масофа қанча яқин қолмасин, бошқарувидаги автомобилни секинлатиб, пиёда хавфсизлигини имкон қадар таъминланишига эришган бўларди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.
Фаргона вилояти.

ОҒУ ЭКИБ, ОҒ ЧЕККАНЛАР

Гиёҳвандлик инсоният учун ижтимоий хавфли ва оғир оқибатларга олиб келувчи оғат сифатида тилга олинмоқда. Юртимизда гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш чоралари кучайтирилиб, кенг қўламли профилактик ишлар амалга ошириляпти. Айни пайтда Тошкент вилояти ИИБ тизимида ўтказилаётган «Қорадори – 2009» тадбирига ички ишлар ходимларидан ташқари фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган.

Тадбир давомида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларнинг қилмиши фош этиляпти. Оққўрғон туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида «Қахрамон» фермерлар уюшмасида яшовчи уй бекаси А. Саиданинг уйи гумонланиб текширилганда, томорқасида 3 туп кўкнори етиштирилаётгани аниқланиб, йўқ қилинди. Ҳовлиснинг

бир бурчагида турган елим халтада эса 115,8 грамм оғу борлиги маълум бўлди.

Куйичирчиқ тумани ИИБ ходимлари ўтказган тезкор тадбир пайтида «Тошовул» фермерлар уюшмасида яшовчи, вақтинча ишсиз Д. Аҳмед уйи олдида гумонланиб текширилганда ёнидан ўткир хидли, қуритилган ўсимлик чиқди. Экспертиза хулосасига кўра, 2,1 грамм оғирликдаги ушбу модда марихуана эканлиги аниқланди.

Ангрен шаҳарида яшовчи У. Маматнинг уйи гумонланиб текширилганда, ётоқхонасидан «Наполеон» лақабли хизмат ити 5,8 гр. марихуанани топиб берди.

Афсуски бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Юртимизда гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кескин кураш кетаётган бир пайтда ички ишлар ходимларига яқиндан кўмаклашиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланмоғи лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришишимиз осон кечади.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Тошкент вилояти.

Бухоро вилоятида ҳам «Тозалаш-Антитеррор» махсус тадбири бошқа жойлардаги каби уюшқоқлик билан ўтказилапти. Асосий эътибор ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган.

– Шу кунларда фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтирганмиз, – дейди вилоят ИИБ ҲОББ бошлиғи ўринбосари, капитан Фурқат Бахронов. – Жойларда ташкил этилган гуруҳларга 190

нафардан ортиқ маҳалла посбонлари жалб этилди. Шунингдек, шахсий таркибининг хизмат, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Соҳавий хизматлар ҳамкорлиги йўлга қўйилгани сабабли ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш яқшиланди. Айниқса, Бухоро, Когон шаҳарларидаги чекка ҳудудлар, чегара ва блок-постларда яқин натижалар қўлга киритилаяпти.

Рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, тадбир бошлангандан 10 августга қадар 233930 хонадон тўлиқ текширувдан ўтказилди. Бундан ташқари, корхона, таш-

ТАРАДДУД

ОСОЙИШТАЛИККА ХИЗМАТ

килот, муассасалар, таълим масканларида назорат кучайтирилди. Натижада паспорт-виза қоидалари талабларига амал қилинмаган 568 та ҳолат аниқланди. Ўз навбатида, қонун бузилишига йўл қўйган фуқаролардан тегишли тартибда жарима ундирилди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, жиноятга мойил шахсларга нисбатан чоралар кўрилди. Уларнинг бир қанчаси ҳисобга олинди. Гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 17 та ҳолат фош этилиб, 289 граммдан ортиқ оғу олинди.

Тадбир давомида 6717 та турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан

маъмурий баённомалар тузилди. Вилоятда содир этилган 85та жиноятдан 77 таси «иссиқ изида» очилди. 17та жиноят профилактика инспекторларининг жамоатчилик ва бошқа соҳавий хизматлар ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракати билан очилди.

Масалан, Фиждудон туманида профилактика инспектори, майор Юнус Файбуллаевнинг синчковлиги туфайли яқка тартибда ишловчи А.Норкулнинг хонадонидида 27,94 г. марихуана сақланаётгани маълум бўлди. Олот туманида эса фирибгарлик йўли билан 6 млн. 295 минг сўмлик тилла тақинчоларни қўлга киритган Ч. Қодирнинг қилмиши фош этилди. Бухоро шаҳрида содир этилган босқинчилик жинояти ҳам «иссиқ изида» очилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Куну тун тиним билмай, беминнат хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари самарали фаолиятлари билан эл-юрт ишончини оқлашмоқда. Тинчликни асраш, барқарор турмушни таъминлашдек эзгуликка хизмат қилиш ушбу касб эгаларининг ҳар доимгидек асосий вазифаси бўлиб қолади.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

ОСМОНГА ЧИҚСА ОЎГИДАН...

Айримлар жиноят кўчасига билмай кириб қолади. Аммо атайлаб, қасддан, уюшган ҳолда жиноят содир этадиганлар ҳам бор. Улар қилгуликни қилиб кўйгандан кейин дўппи тор келганда сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади. Моҳир изкуварлар бор экан, улар эртами-кечми барибир қўлга тушади ва тегишли жазога тортилади. Зомин тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Акмал Жаҳонов жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрган шахсларни қўлга олиш, бедарак кетганларни қидириб топиш жараёнидаги айрим воқеаларни сўзлаб берди.

ЎРАДАГИ «ЖАВОҲИР»

Одам ўлдириб, яшириниб юрган Жавоҳир Мингбоевни бир ойдан зиёд изладик. Уни қўшни давлатга ўтиб кетгани ва хотинининг қариндошиникида яшаб юргани ҳақида хабар олганимиздан кейин айтилган манзил бўйича бордик. Аввал қўшнилардан суриштириб Жавоҳирнинг суратини кўрсатгандик:

— Бозорбойнинг қуёви-ку, у шу ерда, кечки пайт бирров кўри-ниб қўяди, — дейишди.

Аммо хонадон эгаси:

— Бундай йигитни танимайман, билмайман, уйимда ҳеч қанақа бегона киши яшамайди, — деб туриб олди.

Биз хонадонни кўздан кечириб чиқишимиз лозимлигини айтганимиздан кейин ноилоҳ рози бўлди. Хонадонни икки марта текшириб чиқиб, топа олмадик. Кўнглим уни молхона томондан топиш мумкин деяётгандай бўлаверди. Молхона томонга бордим. Кейин уй соҳибининг ҳаракатини кузатдим. У бироз безовталангандек бўлди. Молхонада бирор-бир шубҳали нарса сезилмади.

— Тўй қиламиз деб, молларни сотиб юборганмиз, — деди уй эгаси.

Одатда молхонанинг бир четига гўнг йиғиладиган чуқур бўларди. Аммо ўра кўринмади. Синчиклаб қараб бориб, бурчақда тўхтадим. Уй соҳибининг ранги ўзгарди. Бу ердаги пол бошқаларидан ўзгача эди. Депсиниб кўрдим, таги бўшлиққа ўхшади.

— Бу ерда ўра бор эди, моллар бўлмагандан кейин устини ёпиб қўйганмиз, — деди уй эгаси ҳаяжонланиб.

Йигитларни чақириб, полни кўчиришни айтдим. Пол энгил кўчди, чунки михланмаган экан. Унинг тагидан яна бир қават юпқа тахта қоқилган экан. Уни ҳам кўчирганимизда хазина топгандай ҳайрон қолдик. Тахминан икки квадрат метр чуқурликда гиламлар билан безатилган шинамгина хона кўринди. Бурчақда телевизор, видеомагнитофон. Йиғма кароватда юзини беркитганча Жавоҳир ётарди.

ТЕЗКОР ХОДИМ ФАОЛИЯТИДАН

ШОХИДАМАС... БАРГИДА

Зомин туманидаги идораларнинг бирида раҳбар бўлиб ишлаган Й. Машрабов мансабидан фойдаланиб беш тоннага яқин нефть маҳсулотларини ўзлаштириб юборади. Сири очилиб қолгач эса бола-чақаси ҳам кўзига кўринмай, қочиб кетади. Уни Россияда бизнесменлик қилиб юрганида кўрганлар маълум қилишгач, телефон орқали боғландик. Биз ўзимизни бизнесмен сифатида таништириб, арзон нархда сабзавот маҳсулотлари борлиги, келиш-сак етказиб беришимизни айтдик. У учрашув жойини Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри яқиндаги овлоқ жойга белгилади.

Учрашув жойига келганимизда у бошқа кишилар йўқмикан деган хавотирда атрофга аланглаб турарди. Ҳазор келишувдан сўнг:

— Ўзбекистоннинг мева-сабзавотига роса харидор кўп, молни эртагаёқ олиб кетаман, — деди.

— Йўқ, сиз ҳозир биз билан юрасиз, — деб қўлига кишан солдим.

У осонгина қўлга тушганидан ранги оқариб, нима қиларини билмай қолди. Ана шунда у шохида юрса, изкуварлар баргида юришини англаб етди.

ОШ НАСИБ ҚИЛМАДИ

Сохта ҳужжатлар тайёрлаб, давлат мулкни ўзлаштирмоқчи бўлган С. Шодиқул сири фош бўлгач, қочиб кетади. Уйига қидириб борсак, хотини уни: «Тошкентга кетган», деди. Лекин Шодиқулнинг пойтахтда эканлиги шубҳали эди. Суриштирувда унинг қариндош-уруғлари Қирғизистонда яшашини билиб олдик.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Шодиқулнинг хотини болаларини олиб йўлга чиққанидан хабар топиб, ортидан кузата бошладик. Аёл болалари билан водийга қараб йўл олди. Калаванинг учи топилгандай бўлди. Уни Андижондаги Хонобод шаҳригача кузатиб бордик. Аёл хонадонларнинг бирида тунани. Қўни-қўшниларни киритиб текширганимизда Шодиқул бу ерда йўқ экан. Эртасига аёл қўлида тугун билан йўлга чиқди. Божхона орқали Қирғизистонга ўтди. У Уш вилоятининг Қашқасув қишлоғига етиб борганида Шодиқул кутиб олди. Кўринишидан у қишлоқ гузаридида хунармандчилик қиларди.

— Мана, сиз яхши кўрган паловни дамлаб келдим, — деди хотини.

Шу пайтда биз қўшни давлатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан биргаликда пайдо бўлдик. Шодиқул бундай бўлишини кутмаган эди, албатта. Шунинг учун дам бизга, дам хотини олиб келган паловга қараганча бошини қуйи эгиб, олдимишга тушди.

С. АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Жиззах вилояти.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

САЁҚЛИКНИНГ СЎНГИ БЕКАТИ

Мақтабни зўрға битириб, ҳеч қаерда ўқимаган, бирор хунарининг этагини тутмаган хатирчилик М. Рўзиёев, Ш. Бобоев, О. Жўраев, ака-ука Шерзод ва Дилшод Бўроновлар суднинг қора курсисига ўтиришди.

Қаҳрамонларимиз 2008 йилнинг охирида Учқудуқ шаҳридаги бозорга аравакашлик қилиб, пул ишлаш учун келишади. Аммо ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози деганларидек, улар учун бу ерда пул топиш осон кечмайди. Бўйни меҳнатга ёр бермаган йигитлар ишлари юришмагач энгил пул топиш йўлини танлашади. Яъни, олдиндан жиноий тил бириктириб, Учқудуқ шаҳрида жойлашган «Кончилар» бозори ёнида фуқаролар Ж. Абдиев, А. Малбагаров ҳамда М. Елмуратовга нисбатан зўрлик ишлатиб, буюмларини тортиб олишади. Бу билан уларга жами 865 минг сўмлик моддий зарар етказишади. Ушбу ҳолат бўйича туман ИИБ тергов бўлини маси томонидан жиноий иш кўзгатилиб, беш зўравон суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо олди.

Агар йигитлар меҳнатдан қочмай ҳалол ишлаганда, оила аъзолари, маҳалла фаоллари уларнинг қаерда юргани, қандай иш қилаётгани билан қизиқишганда, ҳозир тенгқурлари қатори озодликда ёшликнинг завқини суриб юрган бўлишармиди. Афсус...

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
катта сержант.

Навоий вилояти.

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

Маълумки, юртимизда хорижий давлатлар билан турли соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик фуқароларнинг четга чиқиши учун қулай имконият яратди. Аммо афсуски, айрим шахслар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишга уринаяпти.

Асли қозоғистонлик Сергей Козедуб ҳам ана шундай манфур кимсалар сирасидан бўлиб чиқди. У ўтган йилнинг ёз фаслида Турақўрғон туманида яшовчи бир нечта фуқарони мўмай пул эвазига Қозоғистон Республикасига ишга таклиф этади. Уларни ойига 200-300 АҚШ доллари миқдорига ҳақ берилиши билан қизиқтиради.

Осмон қадар ваъдалар оғушида юрган йигитларни Алмати шаҳрига олиб борган Сергей рўйхатдан ўтказиш баҳонасида уларнинг фуқаролик

йигитларга хўжайин турли ваҳ-қарсонлар кўрсатиб, иш ҳақини бермайди. Жабрланганлар бир амаллаб ўз юртларига қайтиб келишади. Абдуҳошим Парпиев, Фофуржон Эрназа-

айтиш жоизки, бу каби жирканч ишларнинг охири доимо шу тарзда яқун топишига қинғирликка қўл ураётган ҳар бир кимсанинг ақли етади. Оқибатда эса қилмишидан пушаймон бўлиб, энгиллик сўрайди.

Жиноят ишлари бўйича Турақўрғон туман суди ҳукми билан ярим асрни қоралаб қўйган Сергей Козедуб айбдор деб топилди ва тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бир нечта шахснинг ишончини суиистеъмол қилиб, улар ҳақида хиёнат қилган, сувдан куруқ чиқишни кўзлаган ўзга юрт фуқароси Сергей Козедубнинг қилмиши қонуний баҳосини олди.

Ҳақиқат қарор топди, етказилган зарар қопланди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ

паспортларини олиб қўяди. Иш излаб борганлардан уч нафарини ойига 300 АҚШ доллари миқдорига ҳақ берилиши билан қизиқтиради. Осмон қадар ваъдалар оғушида юрган йигитларни Алмати шаҳрига олиб борган Сергей рўйхатдан ўтказиш баҳонасида уларнинг фуқаролик

ров 600, Зафар Долиев 900 АҚШ доллари миқдорига келишув асосидаги ҳақларини ундириб бериш мақсадида Турақўрғон тумани ИИБга мурожаат этадилар.

Ўзгалар ҳақидан кўрқмаган Сергей Козедубнинг жиноий ҳаракатлари тўлиқ исботланди. Кези келганда шуни

ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

САДҚАИ ЙИГИТ КЕТ...

Номаълум шахс уй бекаси Х. Шаҳнозанинг қўлидан ичида 500 минг сўмликдан ортиқ заргарлик буюмлари бўлган сумкани юлиб қочди. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайди-ган О. Рустам содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ФИРИБГАРЛИК ОКИБАТИ

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБга Э. Жамила ариза билан мурожаат қилди. Унда бир кимса ўғлини фирибгарлик йўли билан алдаб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб кетганлиги маълум қилинган эди. Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида М. Йўлдош ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб, ушланди.

ФОШ ЭТИЛГАН ТАЛОНЧИЛИК

Марғилон шаҳрида яшовчи Н. Олим ишдан қайтаётганда номаълум шахс уни пичоқ билан кўрқитиб, 100 минг сўмдан ортиқ пулини олиб кетди. Ушбу воқеа ҳақида хабар топган ички ишлар ходимлари зудлик билан талончини излашга тушишди. Кўрилган чоратadbирлар натижасида Г. Шавкат гумонланиб қўлга олинди.

ТАДБИРДА АНИҚЛАНДИ

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ўтказилаётган тадбир чоғида Д. Асаднинг уйдан ИИБда рўйхатда бўлмаган «ИЖ» русумли ўқ отар қурол олинди. Фуқаролар қурол сақлаш қонун-қоидаларини пухта ўрганиб олишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўплаб кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ё. БОБОЖОНОВ,
лейтенант.

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Сардорбек сахарда уйғониб бадантарбия машқларини бажаргандан сўнг тахмончадан дазмолланган киманосини олиб сумкасига солди. Эртага у тазквандо буйича мамлакат биринчилиги беллашувларида иштирок этади. Унинг келажакдаги орзуси эса қора белбоғ сохиби бўлиш борабариди жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш...

Бугун юртимизда кечаётган баракали йиллар қанчадан-қанча сермазмун воқеалару ўзгаришларга бой бўлиб, янги тарихимизнинг зарварақларидан жой олмоқда. Ана шу тарихан қисқа, бироқ моҳиятан сермазмун даврда инсон манфаати йўлида амалга оширилган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари аллақачон ўз натижасини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунга ёрқин мисол тариқасида мамлакатимизда спортнинг ривожланиш жараёнини

келтириш мумкин. Бугун Сардорбек сингари минглаб ёшларнинг спортга меҳри бўлакча. Ватанга садоқат, келажакка ишонч билан қарайдиган бу ёшларнинг дилида ягона эзгу ният – спортда юксак натижаларга эришиш орқали юрт шону шавкати улуғлаш, унинг довруғини дунёга танитишдир. Энг муҳими, мамлакатимиз ёшлари спортни ўз ҳаётининг ажралмас қисми сифатида англашмоқда.

Ҳақиқатан кейинги йилларда мамлакатимизда спорт жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳамюртларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда, Олимпиада ва Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон биринчилиги беллашувларида юксак натижаларга эришаётгани мамлакатимизнинг спорт салоҳияти янада ошаётганидан далолатдир.

Спортимиз ривожидида Бош кентимиз – Тошкент ўзига хос ўрин ва салоҳи-

ятга эга. Буни нуфузли халқаро мусобақаларга айнан пойтахтимиз мезбонлик қилаётгани, кўркам ва замонавий услубда бунёд этилаётган спорт иншоотларидан ҳам билса бўлади. Ўсиб келаётган ёш ав-

тарбиялаш, улар орасидан истеъдодли спортчиларни танлаб олиш ва қобилиятини ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида 2002 йил 24 октябрда мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон болалар спортини ривож-

лажакни ўйлаб қилинган бундай олижаноб, савобли иш Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Боланинг соғлом вояга етиши, иқтидори ва қобилиятини намоеън эта олиши орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун унга бериладиган тарбия муҳим омил ҳисобланади. Бунда спортнинг ўрни беқиёсдир. Бу борада Тошкент шаҳрида қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Жамғарманинг 2003–2008 йиллардаги фаолияти даврида Тошкент шаҳрида 18 та спорт иншоотлари, шунингдек, 22 та бино қайта таъмирланди, бешта ўрта-таълим мактабида спорт зали қуриб битказилди. Жорий йилда ҳам Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан истиқболда замонавий иккита спорт объекти қуриш ҳамда олтита сузиш ҳавзаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиши кўзда тутилган.

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳрида куплаб спорт мусобақалари ва тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилда эса Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб 180 та спорт тадбирлари ўтказилди. Улардан 17 та шаҳар чемпионати, 5 та шаҳар кубоги ва 108 та шаҳар биринчилиги мусобақалари ташкил этилди. 2008 йилда 143 нафар спорт устаси, 421 та биринчи тоифали ва 541 таси спорт усталлигига номзод унвонларига эга бўлди. Тошкент шаҳри спортчилари терма жамоаси жорий йилнинг олти ойи давомида 50 та республика мусобақаларида иштирок этиб, енгил атлетика, сузиш, сувга сакраш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бадий гимнастика, шахмат, спорт гимнастикаси каби спорт турлари бўйича ғолиб бўлишди ва совринли ўринларни эгаллашди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Поста» муҳбири.

Фарзандларимизни соғлом ўстириш, ҳам маънавий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан ҳавас қиладиган баркамол авлодни ўстириш, ёшларимизни спорт орқали “парвоз” қилишига эришиш, болалар спортининг ривожини Ватанга садоқат уйғотиши ва келажакка ишонч туғдириши керак.

Ислом КАРИМОВ.

лоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилиши ва спортга меҳрини ошириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини қишлоқ жойларда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, Ватанга садоқатли, келажакка ишонч билан қарайдиган ўғил-қизларни

лантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон ва шу асосда ҳукумати- миз томонидан қабул қилинган барча қарорларда болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Зеро, болалар спортини ривожлантириш юрт равнақи учун қўйилган пойдевордир. .К-

ЖАҲОН СПОРТИ ЮЛДУЗЛАРИ

Спорт – ҳаракат, тезлик, чаққонлик. Муҳлисларнинг чексиз ҳаяжони, юксак натижадан руҳланиш, керак бўлса севган спортчисининг мағлубиятидан тушкунликка тушиш ҳақиқий ишқибозларга хос хислат. Спортга меҳри баланд муштарийларимизнинг талаб ва истакларини инobatга олиб газетамизнинг «Спорт» саҳифасида жаҳон спорти юлдузларининг ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқарли маълумотларни бериб боришга аҳд қилдик. Ана шу мавзудаги мақоламизнинг дастлабкиси футбол юлдузи Криштиану Роналдуга бағишланади.

ДУНЁ ТАН ОЛГАН РОНАЛДУ

Криштиану Роналду – Португалия терма жамоаси ва «Реал Мадрид» клуби футболчиси. У 1985 йил 5 февраль кунини Португалиянинг Мадейра шаҳрида туғилган. Ампуласи – ярим ҳимоячи. Футболчининг тўлиқ исми – Криштиану Роналду душ Сантуш Авейру. Роналду оилада катта акаси Угу ва икки опаси Эльма ҳамда Лилианадан сўнг тўртинчи фарзанд ҳисобланади.



2006–2007 йилларда «Манчестер Юнайтед» жамоаси таркибида Чемпионлар лигасининг ярим финал иштирокчиси, кейинги мавсумда чемпион.

2008 йилида Чемпионлар лигаси «Энг яхши ўйинчиси» ва «Олтин тўп» сохиби, шунингдек, ФИФА томонидан «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» деб топилган.

ЭНГ ҚИММАТ ҲИМНАТИ

Криштиану Роналду 2009 йилининг ёз ойида «Манчестер Юнайтед» таркибидан «Реал Мадрид» жамоасига 93,4 миллион еврога трансфер қилинди. Бу билан португалиялик ярим ҳимоячи дунё футбол тарихида энг қimmat футболчи сифатида эътироф этилди.

Ф. АЗИЗОВ
тайёрлади.

ЗАРИФЖОННИНГ БАҲАРЛИ ОДИМЛАРИ

Ёшлик – умрнинг баҳор палласи. Унда энг гўзал орзу-истаклар, ниятлар куртак ёзади. Бу даврда ўқиб-ўрганиш, билим чўққиларини забт этиш, ҳунар эгаллаш орқали эртанги порлоқ келажак учун замин яратиш зарур. Бағдод туманида туғилиб вояга етган Зарифжон Султонов ҳам ёшлигидан спортга меҳр кўйди.

– Ўшанда 9 ёшда эдим, – дейди Зарифжон. – Мен ўқиган мактабда спортнинг кикбоксинг туридан тўғарақ очилди. Болалар ва мураббийнинг машғулот пайтидаги хатти-ҳаракатларини томоша қилиб менда ҳам шу спорт турига қизиқиш уйғонди. Кейин машғулотларга қатнаш бошладим.

Зарифжон кикбоксинг сирларини илк бора шу тўғарақда мураббийи Умиджон Рўзматовдан ўрганди. Чаққон ва ҳаракатчан бўлгани боис устози айтган ҳар бир топшириқни бехато бажарар, бошқалардан алоҳида ажралиб турарди.

Ёшликдаги бу ҳаракатлар, тинимсиз машғулотлар бесамар кетмади. 2000 йил Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Зарифжон 34 кг. вазнлилар орасида барча рақибларини енгиб, ғолибликни қўлга киритди. Шундан сўнг унинг шижоати янада ошди. Ўз устида тинимсиз изланди. Кейинчалик у яна икки марта ўз вазнида Ўзбекистон чемпионлигига эришди.

2005 йилда Тошкентда бўлиб

ўтган Ўзбекистон чемпионатида тўртинчи бор чемпионликни қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибида Осиё чемпионатида қатнашиш имконияти-

Умидли ёшларимиз

ни қўлга киритди. Мазкур мусобақада ҳам у мураббийлари ишончини оқлади. 20 дан ортиқ мамлакатлардан энг кучли спортчилар қатнашган мазкур беллашувда барча рақибларидан устун келиб, ўз вазни бўйича Осиё чемпиони бўлди.

Зарифжон болалигидан ички ишлар идораларида ишлашни орзу қиларди. Унинг бу истаги ҳам амалга ошди. 20 ёшга тўлган бу шижоатли йигит яқинда Фарғона вилояти ИИБ тергов ҳибсхонасига назоратчи лавозимига ишга қабул қилинди.

Айни кунда ёш ходим хизмат вазифаси билан бир қаторда, машғулотларни тўхтатгани йўқ. Чунки, ҳибсхона шахсий таркибининг жисмоний тайёрлигини мунта-

зам ошириб бориш мақсадида бу ерда спорт зали, машғулотлар хонаси, сузиш ҳавзалари ташкил этилган. Барча спорт жиҳозлари ходимлар ихтиёрида.

– Шахсий таркибимиз орасида спорт турлари билан шуғулланувчи йигитлар жуда кўп, – дейди ҳибсхона бошлиғи, подполковник Адҳамжон Эсонов. – Шу боис, уларга етарлича шарт-шароит яратишга ҳаракат қиламиз. Мунтазам равишда спорт мусобақалари ташкил этиб борилади. Бу албатта, ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигининг ошишига хизмат қилади. Жисмоний соғлом ходим эса хизматни пухта бажаради.

Айни кунда юрт осойишталигини асрашдек шарафли касб соҳибига айланган Зарифжоннинг орзулари бир олам. У янада улкан муваффақиятлар сари интилади. Зафарларинг кўпаяверсин, Зарифжон!

Шавкатжон УСМОНОВ,
майор,
Абдувосит СИДДИКОВ.

Фарғона вилояти.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, республика ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги подполковник **Пўлат ДУШАЕВ**ни кутлуг 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Сафдошимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлари, шогирдлари камолини кўриб, кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини тилаймиз.

Республика ИИБ Фахрийлар кенгаши.

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Маҳаммаджон ТОЖИБОВ**ни табаррук 60 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Азиз дўстимиз, ҳамкасбимиз, курсдошимизнинг яна кўп йиллар саломат, бардам бўлиб, фарзандлари, шогирдлари камолини кўриб, кексалик гаштини суриб юришини Яратгандан сўраб қоламиз.

Ҳамкасблари, курсдошлари номидан истеъфодаги подполковник **Олимжон ИСАХАНОВ**.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Бугун ҳам кўшнимизнинг жарангдор овозидан уйғониб кетдим. Ёз фасли эмасми, бунинг устига якшанба куни бўлгани учун ҳовлида мазза қилиб ухлаётгандим. Унинг хурмача қилиқларини билмаганимда ҳойнаҳой ё ўт кетган, ё сув тошган, деб уйлардим. Чунки кўшним бор овози билан дод соларди:

— Эй худо, қайданам шу курумсоқларга куда бўлдим? Одам деган ҳам шунчалик паст бўладими? Тавба, на одамгарчиликни билди булар, на қудандачиликни қойиллатади. Кўшним ҳамма учун андазани ўзидан олади. Охир-оқибат ўзиникини маъқуллашмагунча қўймайди. Мана, чорак асрки, у билан девор-дармиён кўшнимиз. Шунинг учун бизга феъл-атвори кўпроқ аён. Ҳализамон бир нарсани баҳона қилиб, бизни кига чиқадию, чакаги оғригунча гийбат қилади. Афтидан, бугунги “объект” бечора куда томон бўладиганга ўхшаб турибди...

Кўшнимнинг қудасини яхши билман. Ҳалол, пок, иймонли одамлар. Эр-хотин иккиси ўқитувчи. Топган пулларига китоб, газета, журнал сотиб олишади. Ташқаридан қараганда кўримсизгина туюладиган уйи нақ кутубхонанинг ўзи. Эр-хотин адабиётчи бўлсалар-да, уларнинг хонадонидан истаган соҳангизга оид китобни топа оласиз. Икки қизи ота-она изидан бориб, ўқитувчилик касбини танлашди. Кўш уясида курганини қилади деганларидек, улар ҳам на кийим-кечакка, на зебу зийнатга ружу қўйишди. Одми кийиниб, камтарликни ўзларига одат қилишган.

Кўшним уларнинг катта қизини келин қилган. Болалигидан меҳнат ичида ўсган Дилдоранинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Чилласи чиқмасданоқ келин бўлиб тушган хонадонни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Ҳовлига кирган одамнинг баҳри дили очилади. Ҳаммаёқ гул, юрган йўлингиз

гулзор. Хонаки гулларнинг ўзи бир олам. Дарвозахонадан бошлаб йулак четларига ҳам тувакдаги гуллардан териб чиққан. Унинг пиширган таомлари, турли-туман ширинликларига манамен деган ошпазлару қандолатчилар ҳавас қилади. Дорилфунун дипломига эга олий ма-лакали мутахассис бўлса-да, чўридек қайнонасининг хизматини қилади. Лекин шунча

га жойлашиб ўтириб олди. Билдимки, бугунги гийбат анча давом этади.

— Дилдорохон эсон-омон кутилиб олдимиз? — гарчанд саҳармардон суюнчилаб чиққан набирасидан ҳаммасини билиб олган бўлса-да, хотиним кўнгил учун сўраган бўлди.

Худди шуни кутиб тургандай кўшним қўлига олган пиёлани қайтариб дастурхонга қўяркан, навбатдаги дийдиёсини бошлади:

— Нима, биринчи туғишимиди? Неварагинам эсон-омон туғилибди. Хурсандлигимдан дарров ўғлимни қудаларникига югуртирдим. Менга унинг берган суюнчиси керак эмас. Ярат-

Уни ҳовурини босаман, деган хотиним қовун тушириб қўйганини билмай қолди.

— Вой, ҳали катта неварангиз суюнчига борган амакимга қудалар бир даста пул берибди, деяртудви-ку.

— Сиздан ҳам содда одам бормикан дунёда, Майрамхон. Бир даста пул эмиш. Бор-йўғи ун минг сўм берибди. Курумсоқ улгур, ҳеч бўлмаса эллик доллар бермайдими? Шундай одам билан қандай қилиб куда-андачилик қиламан.

Кўшнимнинг кейинги гаплари қулогимга кирмади. Хаёл дарёсига гарқ бўлганча бир неча йиллар ортга қайтдим. Унда биз ҳали яланг оёқ болалар эдик, эртадан-кечгача кўча чангитиб юрардик. Оилада катта фарзанд бўлганим учунми, билмадим, укаларим туғилганда ҳам қариндошларникига суюнчига ўзим борганман. Ким

бир қисм туршак, ким бир чўнтак жийда, яна кимдир тўрт дона курут берган, кимдир эса чақалоқни дуо қилиб, унга узоқ умр, кетмас давлат тилаган, холос. Лекин на биз, болалар, на катталар ҳеч қачон ҳеч кимнинг берган суюнчисини муҳокама қилмаганмиз. Аслида ҳам биз туршак, жийда ё бўлмаса курут олиш учун эмас, балки чиндан хурсанд бўлганимиздан, шодлигимизни қариндошлар билан бўлашиш ниятида суюнчига борардик.

Энди эса қуданинг бели қай даражада бақувватлигини билиш учун суюнчи олинадиган бўлибди-да. Боринги, биринчи фарзанд туғилганда куда томонга бориб, уларни шодликка шерик қилиш бир қадар ярашар, лекин ҳар сафар катта-катта совға-салом кутиш, аталганини олиб келавермасдан, “кўк”ини талаб қилиш қайси таомилга тўғри келаркан? Бу нима ўзи, тўқликка шўхликми ёки...

Темир ҚУРБОНОВ,
подполковник.

ТЎҚЛИККА ШЎХЛИКМИ ЁКИ...



яшаб, ҳали бирон марта бўлсин, унинг алқагани ё ширин гапини эшитгани йўқ.

Айтганимдек, ҳали ишқом остидаги сўрига тайёрланган нонуштани бошламасимиздан кўшним чиқди. Хотиним уни сўрига ундади. Худди шуни кутиб тургандай, кўшни аёл сўри-

ганга шукр, ҳамма нарсам етарли. Еганим олдимда, емаганим ортимда, беш кунлик дунёнинг роҳатини кўриб яшайман. Лекин курумсоқ қудамнинг қилиғи ҳеч қайси қудамнинг сизмайди. Тавба қилдим, тавба, ҳеч замондаям суюнчилаб борган куёвга бир кўйлак билан арзиманган пул берадимми?

МУЛОҲАЗА

ИЧКИЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Матқобил ака данғиллама тўй қилди. Ароқни сувдек оқизди. Тўйда кўпчилик ширакайф бўлиб, бир-бирини ҳақоратлаб, жанжаллашди. Бу ҳолни кўриб, уларнинг аҳволига ачиниб кетдим. Ҳа энди, киши яхши ният билан элга дастурхон ёзиб тўй қилса, хурсандчилик бўлса, шунга ота гури қозихонами, дегувчилар топилиши турган гап. Хўш, шунақа базму жамшидлар, озору кулфатга бошловчи «хурсандчиликлар» билан биз қаёққа қараб боряпмиз? Айттайлик, қийналиб пул топиб, кейин ортиқча дабдаба билан тўй қилиб мақтанишдан маъно борми?

Атрофга теранроқ назар ташласангиз, ароқ етказётган мусибатларни яққол кўришингиз мумкин. Ичкилик туфайли кўнлаб хонадонларда осойишталик йўқолиб, барака кўтарилаётти, ахлоқий қадриятларга пугур етмоқда. Ичкилик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаслигини кўпчилик тушунади. Унинг соғлиқ учун

фойдаси йўқ. Зарари эса гиёҳвандлик моддасидан кам эмас. Кун сайин кўпайиб бораётган ароқ ва пиво дўконларининг пештахталари турфа хил маҳсулотларга тўлиб тургани эса кишини уйга толдиради. Ичкилик яхшигина даромад манбаи қанлиги сир эмас. Бир замондошимиз ароқ заводини пул чиқарадиган корхонага қиёслабди. Негаки, ароқ замонавий тил билан айтганда, «суюқ валюта» эмиш.

Спиртли ичимликнинг нархи ҳар қанча қиммат бўлмасин, унга талаб камаймаётгани, аксинча, эркаклар билан бир қаторда баъзи аёлларимиз ҳам ичкиликка ружу қўяётгани афсусланарли ҳол. Ичкилик ва унинг аянчли оқибатлари тўғрисида кўп эшитамиз. Унга қарши чоралар кучайтирилса, яхши бўларди, деган фикрдамиз.

Майсара ҚҮЙЛИЕВА.

Қашқадарё вилояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.

Дилноза Икром қиз
Абдуқаҳҳорова. 1968 йилда туғилган. Чиноз тумани Исломобод



маҳалласида яшаган. 2009 йилнинг 14 июль куни уйдан чиқиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, сочи қора, жингалак, қошлари қора, кўзлари қора, қисикроқ.

Кийимлари: қизғиш рангли кўйлак, қора шиппақда бўлган.

Шахло Сайдиғаниевна Абдувалиева. 1969 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Гулистон



дахаси 21-уй, 7-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг 5 май куни Янгийўл шаҳридаги онасининг уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи қора, кўзлари қора, қошлари ингичка, ёйсимон.

Кийимлари: қизил енгсиз кофта, кўк жинси шим, қора туфлида бўлган.

Алоҳида белгилари: оғзининг тепа жағ қисмида 2-3 тишлари сариқ металлдан, қорин қисмида 4-5 см. катталикда жарроҳлик чандиғи бор.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

.....

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йил 4 август куни Чилонзор тумани Байналми-лал кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётган «ГАЗ-24» автомашинаси ҳайдовчиси томонидан ёши тахминан 30-35 лардаги, Европа миллатига мансуб эркак киши урнб юборилган. У касалхонада вафот этган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, кўзлари жигарранг, соқол-мўйловли.

Кийимлари: кўк футболка, оқ жинси, қора туфлида бўлган.

Алоҳида белгилари: икки-та билагада чандиқ бор.

Шахси аниқланаётган мурда ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ ТБ ЙТХ тергов қилиш бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, Ҳайъати, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор А. Кўлдошевга падари бузруквори
ҲАМИДУЛЛА отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ бўлим бошлигининг ўринбосари, подполковник
Ҳасан АСАДОВнинг
фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, Ички ишлар жаҳон уруши қатнашчиси, истефодаги майор
Мели ОДИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



ҚАДИМ БУХОРОДАГИ ҲОВУЗЛАР

Тарихий маълумотларга қараганда, қадим Бухорода сув муаммосини ҳал қилиш мақсадида шаҳар бўйича 103 та ҳовуз қурилган. Шулардан 82 тасининг номи харитага киритилган. Ҳовузлар бадавлат кишилар маблағига, ёлланган усталар томонидан бунёд этилган. Бу жиҳат уларни номлаш пайтида эътиборга олинган.

Янги ҳовуз ва сув ҳавзаларини қазिश санитария, қурилиш назорати курсатмаси ва ро-

Тарихга бир назар

зилиги билан амалга оширилган. Мешкоблар ҳар ойда бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари шарт бўлган. Бу ҳовузлар шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтувчи Шоҳруд каналдан тўлдирилган. Ариқ ва ҳовузларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида уларда отларни суғориш, чорва молларини чўмилтириш, чиқинди сувларни оқизиш тақиқланган. Агар ким белгиланган тартибга риоя қилмаса жарима ёки бир ойлик мажбурий хизмат билан жазоланган.

Шаҳардаги энг катта ҳовуз «Лаби-ҳовуз» бўлиб, 1620 йилда бунёд этилган. Унинг бўйи 42 метр, эни 36 метр, чуқурлиги эса 5 метрни ташкил этади. Ҳовуз усталар томонидан зинасимон шаклда моҳирлик

билан ишланган. Бундай қурилиши биринчидан, сув камайганда шу зиналар орқали тушиб сув олиш имконини берган, ўт ўчирувчилар учун ҳам аҳамияти катта бўлган. Шунингдек, уни чиқиндилардан тозалаб туриш учун қулайлик яратган.

Кўҳна Бухоро шаҳрида содир бўлган ёнғинларни асосан аҳоли ва мешкоблар учиради. Елкаларига меш осиб ол-

ган мешкоблар ҳовузлардан сув тўлдириб,

кўчама-кўча юриб, хонадонларга сув етказиб беришган. Шунингдек, содир бўлган ёнғинларни ўчиришда қатнашиб, шу орқали тирикчилик қилганлар. 1916–1920 йилларда Бухорода бундай мешкоблар сони 40–45 нафардан ортиқ бўлган.

1935–1938 йилларга келиб Бухоро шаҳрида сув қувурлари (водопровод) қурила бошланган. Сув Зарафшон дарёсидан олиниб, «Болоҳовуз» рўпарасидаги сув сақлаш минораси орқали эски шаҳарнинг бир қисмига етказиб берилган. Кейинчалик техника ривожлангач, сув иншоотлари қурилиши жаддалаша бошлади. Бу эса аҳолини сув билан таъминлаш ҳамда содир бўлган ёнғинларни ўчиришда катта қулайликлар туғдирди.

Собир ТЎХТАЕВ.

Бухоро вилояти.

НЕГА ФЕМИДАНИНГ КЎЗЛАРИ БОҒЛИҚ?

Одил судловнинг дунё миқёсида кенг тарқалган рамзларидан бири Фемидадир. Жаҳон тарихини қизиқиб ўқиганлар Фемида қадимги юнон маъбудаларидан бири эканлигини яхши билса керак. У бош маъбуд – Олимп ҳукмдори Зевснинг хотинларидан бири бўлган. Икковининг ниқоҳидан туғилган қизларидан бири – Дика адолат маъбудаси ҳисобланган.

Зевс ҳамisha ҳузурда Дика ва Фемида ҳозир бўлганидагина ҳукм чиқарган. Фемида ҳеч қачон бош маъбудга қарши чиқмаган, айни пайтда унга қимматли маслаҳатлар берган, Олимп ҳукмдорининг ҳукмларини халойиққа эълон қилган. У доимо Зевснинг ўнг қўл тарафида турган.

Тарози ва шамшир Фемиданинг асосий атрибутларидан саналади. Дунёнинг аксар мамлакатларидаги суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўз рамзларида ушбу тимсоллардан фойдаланишади. Рим мифологиясидаги одил судлов ва адолат маъбудаси бўлган Юстиция таъсирида Фемиданинг ташқи қиёфаси

ҳам кейинроқ такомиллашиб борган. Инсоф юзасидан, аслида Юстиция Фемиданинг замонавий нусхаси эканлигини ҳам тан олиш керак.

Хуллас, ҳозирда Фемида кўз олдимизда мантия, яъни ридо кийган, чап қўлида тарози уш-

лаган, ўнг қўлида шамшир тутган, кўзи боғлиқ аёл қиёфасида намоён бўлади. Энди ундаги атрибутларнинг маъносига тўхталсак.

Тарози қадим-қадимдан ўлчов ва адолат рамзи бўлиб келган. Одил судлов тарозисида эса эзгулик ва ёвузлик, айб ва айбсизлик ўлчанади. Қадимги афсона ва ривоятларда на-

риги дунё ҳукмдорлари марҳумларнинг гуноҳу савобларини тарозида ўлчашгани ҳикоя қилинади. Тарозининг қайси палласи тош босишига қараб марҳумнинг боқий дунёдаги тақдири ҳал қилинган. Маъбуда таро-

зини чап қўлида тутиб туради. Сабаби, тананинг чап томони қабул қилувчи томон ҳисобланган.

Шамшир – руҳий қув-

ват, ажр рамзи. Фемиданнинг ўнг қўлидаги шамшир эса ўч, қасосни англатади. Бу унинг осмонлар ҳукмдорининг амрини бажо этишга шайлигини билдиради. Ўнг қўл куч, ҳаракат рамзи.

Ридо одатда муайян маросимларни адо этишда кийилади. Бундай кийиниш одил судловни амалга оширувчи шахснинг руҳини кучайтиради.

Фемиданнинг кўзи боғлиқлиги у ҳукм чиқариш чоғида ҳолис бўлишини англатади. Демак, судья ҳам ишни кўриб чиқиб, ҳукм чиқариш жараёнида томонларнинг мулкий ёки ижтимоий мавқеига қарамаслиги, фақат ва фақат фактларга, қонунга, адолат тамойилларига таяниб иш кўриши лозим. Яъни, одил судлов одамлар ўртасидаги фарқни кўрмайди, у фақат қонунга асосла-ниб иш кўради.

Интернет материаллари асосида Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.

УМРНИ УЗАЙТИРИШ ОМИЛИ

ОЛИМЛАР АБАДИЙ МУЗЛИКЛАР ҚАЪРИДАН УМРНИ УЗАЙТИРАДИГАН ФАНГА НОМАЪЛУМ ТИРИК БАКТЕРИЯЛАРНИ ТОПИШДИ. БУ ЯНГИЛИК ҒАРБ МАТБУОТИДА ҲАҚИҚИЙ КАШФИЁТ СИФАТИДА ТАЛҚИН ЭТИЛДИ.

Топилган бактериялар икки миллион йилдан бери тирик экан. Олимлар ҳақиқатан ҳам ўлмайдиган тирик мавжудотни биринчи бор қўлга киритишган. Зотан, беш миллион йилда ҳатто эҳромлар ҳам тупроққа қорилиб кетади, бу тўқималар эса яшаётир. Агар бу қадимги бактериялар ўзининг ДНКсини химоя қилиб келаётган сири кашф этилса ва улар инсон организмга кўчирилса – бу қарилкни барта-раф этадиган малҳам топилди, деган гап.

Бактериялар дастлаб сичқонларда синаб қурилди. Муз қотган бактериялар иситилиб, тоза гўшт шўрвасига тўйинтирилиб кўпайтирилгач, сичқонлар организмга юборилди. Сичқонларнинг энг ёши катталари ҳам бактерия таъсирида жисмонан, руҳан кучайгани кузатилди. Энг муҳими, уларнинг умри тахминан 20 фоизга узайган.

«Афтидан, биз абадий ҳаёт билан учрашгандекмиз, – дейди россиялик профессор А. Брушков. – Агар биз бу бактериялар ёрдамида одамлар умрини ҳеч бўлмаганда 10 фоизга узайтирадиган дори тайёрлашга эришсак, ундан келадиган фойда олдида жаҳонга сотиладиган нефть оддий нарсага айланиб қоларди».

Бу бактериялар Ёқутистондаги Мамонт тоғида, Алдан дарёсининг чап қирғоғида олиб борилган қазишмалар чоғида кўплаб мамонтлар қолдиқлари топилган. Бироқ мўъжизавий бактериялар мамонтларга замондош бўлмаган, дейишад олимлар. Улар абадий музликларнинг нисбатан ўта қадимги қатламларида топилган.

«Бир гал шиша идишдаги эриётган қумдан хира бир нарсалар ўса

Синоат

бошлади, – деб эслайди микробиолог В. Репин. – Бунинг нималигини билиш керак эди. Ўша пайтда Япониянинг Хоккайдо университетидаги лабораториялардан бири билан ҳамкорлик қилардик. Япон олимлари бу микроб ДНКсининг кичик қисмини анализ қилишган. Шунинг ўзи бу мавжудотнинг нималигини аниқлаш учун етарли эди. Биз ҳам таҳлил натижасини интиқлик билан кутардик. Жавоб ҳаммини ҳайратга солди: «Сибир куйдиргисининг бактерияси. Ўхшашлиги 100 фоиз. Бироқ япон олимларига қойил қолиш керак, улар ваҳимага тушишмай, бактерия ДНКсини тўлиғича анализ қилиб чиқишди. Маълум бўлишича, бактерия

ДНКсининг бир қисмида намоён бўлган аломатлар алдамчи экан. Бу бактерия нафақат Сибир куйдиргиси, балки ҳали фанга маълум бўлмаган бактерия экан. Шу билан бирга унинг хавфсизлиги ҳам аниқланган. Дарвоқе, абадий музликлар билан қопланган ҳудудда оқадиган Лена ва Алдан дарёларида ҳам бу бактериялар бор. Улар дарёга муз қотган туб қатламларнинг бузилиб тушган парчалари билан қўшилади. Якутска маҳаллий аҳоли Лена ва Алдан сув ичади. Таъкидлаш жоизки, Ёқутистон Россиянинг одамлари узоқ умр кўрадиган ҳудудларидан саналади. Ёқутлар орасида 100 йилдан зиёд умр кўраётганлар кўп. Ваҳоланки, бу ерда ҳаёт шароити оғир, табиий иқлим жуда ноқулай.

Иммунолог, профессор Ю. Суховейнинг маълумот беришича, ҳайвонларга умрни узайтирувчи бактериялар юборилганда жониворларнинг иммунитетлари кучайган, ярачақалари битиб кетган. Ҳозир бу бактериялар онкологияда синаб кўрилаётган экан. Дастлабки натижалар қониқарли, дейди олим. Лаборатория сичқонларига қўлланганда бактериялар рак шишларини кичрайтирган.

Хориж материаллари асосида тайёрланди.



ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**

Sahlfalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxonada
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7925. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57646 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.